# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

**24-25-сон (1148-1149) 2024 йил июнь**

***Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:***

***биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;***

***иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;***

***учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;***

***тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;***

***бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.***

## МУНДАРИЖА

*Биринчи бўлим*

195. «Давлат мулкини ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 июндаги ЎРҚ–933-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

196. «Тезкор-қидирув ҳамда терговфаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июндаги ПФ–89-сон Фармони

197. «Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини такомил-

лаштириш ҳамда ушбу соҳада парламент назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 июндаги ПФ–91-сон Фармони

198. «Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 июндаги ПҚ–227-сон қарори

199. «Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги ПҚ–228-сон қарори

200. «Рақамли криминалистика соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги ПҚ–229-сон қарори

201. «Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги ПҚ–231-сон қарори

***Бешинчи бўлим***

202. Oʻzbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligining 2024-yil 29-maydagi 6-mh-son va Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 28-maydagi 127-son “Umumiy oʻrta ta’lim muassasalarining uzaytirilgan kun guruhlarida bolalar ta’minoti uchun ota-onalar toʻlovini undirish va undan foydalanish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirishlar kiritish haqida”gi qarori *(Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-iyunda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 2820-2)*

203. Oʻzbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktorining 2024-yil 3-iyundagi 18-son “Oʻzstandart” agentligida standartlashtirish boʻyicha normativ hujjatlar toifalarini tayyorlash va roʻyxatdan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga oʻzgartirish va qoʻshimchalarni oʻz kuchini yoʻqotgan deb topish toʻgʻrisida”gi qarori *(Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 11-iyunda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 1422-4)*

204. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining 2024-yil 22-maydagi 6-mb-son, Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 17-maydagi 122-son hamda Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligining 2024-yil 22-maydagi 01-23-4846-son “Davlat va bojxona tashqi savdo statistikasi ma’lumotlarini yigʻish va qayta ishlash uslubiyati toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaror, shuningdek unga oʻzgartirishlarni oʻz kuchini yoʻqotgan deb topish toʻgʻrisida”gi qarori *(Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-iyunda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 1717-3)*

205. Oʻzbekiston Respublikasi sogʻliqni saqlash vazirining 2024-yil 5-iyundagi 17-son “Shoshilinch tibbiy yordam koʻrsatish uchun transport vositasining salonida boʻlishi shart boʻlgan zarur tibbiy ashyolar roʻyxatini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi buyruqqa oʻzgartirishlar kiritish haqida”gi buyrugʻi *(Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-iyunda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 2241-1)*

206. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 28 майдаги 17/11-сон “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3518)*

207. Oʻzbekiston Respublikasi qishloq xoʻjaligi vazirining 2024-yil 29-maydagi 13-son “Urugʻlik chigit tayyorlovchi korxonalarda urugʻlik paxtani qayta ishlashda uskunalarni belgilangan me’yorlar asosida sozlash tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrugʻi *(Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-iyunda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3519)*

208. Oʻzbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 19-iyundagi 11-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish toʻgʻrisida”gi buyrugʻi *(Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-iyunda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3520)*

209. Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 17-maydagi 121-son “Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini toʻlash boʻyicha kompensatsiya pul toʻlovlarining mexanizmi toʻgʻrisidagi nizomga qoʻshimcha va oʻzgartirishlar kiritish haqida”gi buyrugʻi *(Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-iyunda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 2175-8)*

210. Oʻzbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 19-iyundagi 12-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish toʻgʻrisida”gi buyrugʻi *(Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 20-iyunda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3521)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### 195 Давлат мулкини ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 2 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 18 майда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат мулкини тадбиркорлик субъектларига ва бошқа шахсларга ижарага беришнинг қонунийлигини таъминлаш юзасидан тизимли чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга амалда давлат мулкидан самарали фойдаланмаслик ва уни ижарага бериш тартибини бузиш билан боғлиқ қоидабузарликлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Бу, ўз навбатида, давлат мулкини ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик ва ваколатли органларнинг ушбу муносабатларни тартибга солиш бўйича кўрсатмаларини бажармаганлик учун жавобгарлик кучайтирилишини тақозо этмоқда.

Мазкур Қонун билан давлат мулкини ижарага бериш тартибига риоя этмаганлик, бўш турган давлат мулкидан самарали фойдаланиш бўйича чоралар кўрмаганлик, шунингдек давлат мулкини ижарага олган тадбиркорлик субъектларининг ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Ушбу Қонун давлат мулкидан самарали фойдаланилишини, ижарага олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 20 июнда эълон қилинган.

20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 1, 5, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **$215^8$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$215^8$-модда. Давлат мулкини ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузиш**

Давлат мулкини белгиланган тартибда ижара шартномасини тузмасдан ижарага бериш, ижарага олинган давлат мулкини қабул қилиб олишда, ижара муносабатларининг объекти ҳудудига киришда ва ундан фойдаланишда

ижарага олувчига асоссиз равишда тўсқинлик қилиш ёки ижарага берилаётган давлат мулкининг параметрлари ва сонини ижара шартномасида нотўғри кўрсатган ҳолда давлат мулкини ижарага бериш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «$215^{7}$» рақамидан кейин «$215^{8}$» рақами билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 19 июнь,
ЎРҚ–933-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### 196 Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини «Инсон қадри учун» тамойили асосида янги босқичга кўтариш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатларини кучайтириш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиёти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича самарали механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлиги, шунингдек, жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизликка оид конституциявий ҳуқуқларини суд орқали ишончли таъминлаш чораларини кучайтириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишни судга қадар юритишда тарафларнинг тенглиги ва тортишуви принципини амалда таъминлаш, шунингдек, тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилинишига эришиш мақсадида:

1. Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлигининг 2025 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция бериш масаласи жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар — тергов судьялари томонидан кўриб чиқилиши тартибини жорий этиш;

жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида тергов судьяси лавозимини киритиш;

жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув даврида тергов судьяси томонидан процессуал қарорларга берилган санкциялар фақатгина апелляция инстанциясида Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан якка тартибда қайта кўриб чиқилиши тартибини белгилаш;

---

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 11 июнда эълон қилинган.

тергов судьяларига маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини бериш;

тергов судьялари томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юқори инстанцияларда қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тартибини сақлаб қолиш.

2. Тергов судьясига қуйидаги жиноят материалларини, шу жумладан санкциялар ва мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш ваколати берилсин:

а) қуйидагилар бўйича санкциялар:

қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ илтимоснома;

қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш масалалари билан боғлик, илтимоснома;

паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимоснома;

мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги илтимоснома;

почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимоснома;

тинтув ўтказиш ҳақидаги илтимоснома;

телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш ҳақидаги илтимоснома;

мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги илтимоснома;

б) қуйидагилар бўйича мажбурлов чоралари:

айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома;

шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги илтимоснома;

айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаси;

ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатга қадар узайтириш тўғрисидаги илтимоснома;

в) прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномаси.

3. Қуйидагилар тергов судьяси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

қонунчиликда белгиланган тартибда тергов судьясига юклатилган вазифаларни адолатли ва холисона бажариш;

қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш;

фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

тергов судьяси ўз фаолиятини мустақил амалга ошириб, фақат қонунга бўйсунади ҳамда тергов судьясига одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмайди;

тергов судьяларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш,

шунингдек, судьялар корпусини шакллантириш қонунда белгиланган тартибга мувофик, амалга оширилади;

тергов судьясининг ташкилий фаолиятига раҳбарлик тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари томонидан амалга оширилади.

5. Тергов судьяси лавозими учун штат бирликлари судларнинг мавжуд штат бирликлари ҳамда 2025 — 2027 йиллар учун ажратиладиган қўшимча штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилсин.

Олий суд раиси Б. Исламов жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг иш ҳажмидан келиб чиқиб ажратиладиган штат бирликларининг чекланган сонини белгиласин.

6. Судьялар олий кенгаши Олий суд билан биргаликда 2025 йил 1 январга қадар тергов судьяси лавозими жорий этиладиган судларнинг юқори малакали ва масъулиятли кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

7. Олий суд Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

8. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Олий суд раиси Б.Д. Исламов белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 10 июнь,
ПФ–89-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 197 Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада парламент назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Сўнгги йилларда давлат бошқарувини самарали ташкил этиш, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликни таъминлаш, фуқаролар ва халқаро ҳамкорлар учун очиқ, шаффоф ва самарали муҳит яратишга қаратилган тизимли ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги кўрсаткичлари тобора яхшиланиб бормоқда.

Хусусан, кейинги беш йилда Ўзбекистон Ҳуқуқ устуворлиги индексида 16, Коррупцияни қабул қилиш индексида 32, Электрон ҳукуматни ривожлантириш индексида 18, Иқтисодий эркинлик индексида 31, Логистика самарадорлиги ҳамда Глобал инновация индексларида 11 поғонага юқорилашга эришди.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, республикамизда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада парламент ролини кучайтириш мақсадида:

1. Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида (кейинги ўринларда — Олий Мажлис Сенати) Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшиланиши тўғрисидаги миллий маърузани (кейинги ўринларда — миллий маъруза) муҳокама қилиш тартибини жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

Олий Мажлис Сенати томонидан устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг рўйхатини тасдиқлашда тегишли халқаро рейтинг ҳамда индексларга мутасадди вазирлик ва идоралар бириктирилади;

мутасадди вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари Олий Мажлис Сенати томонидан белгиланган устувор халқаро рейтинг ва индексларда республиканинг ўрни яхшиланиши, шунингдек, устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича мақсадли кўрсаткичларга (кейинги ўринларда — мақсадли кўрсаткичлар) эришилиши учун шахсан масъул ҳисобланади;

2025 йилдан бошлаб республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларидан бири сифатида уларнинг устувор халқаро рейтинг ва индексларда республиканинг ўрнини яхшилашга қаратилган фаолияти белгиланади.

3. Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кен-

---

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 20 июнда эълон қилинган.

гашининг (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) янгиланган таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унга қуйидаги вазифалар юклансин:

мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан устувор халқаро рейтинг ва индексларда республиканинг ўрнини яхшилашда мақсадли кўрсаткичларга эришиш доирасида амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилиб бориш;

устувор халқаро рейтинг ва индексларда республиканинг ўрнини яхшилаш, шу жумладан илмий-тадқиқот муассасаларини бириктириш;

миллий маъруза тайёрланишини ташкил этиш ва уни дастлабки тарзда кўриб чиқиш;

турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг устувор халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига хизмат қилишини таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш;

илғор халқаро тажрибалар асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва ташаббусларни ишлаб чиқиш;

давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнига таъсири нуқтаи назаридан комплекс баҳолаб бориш;

ҳар ярим йилда устувор халқаро рейтинг ва индексларда республиканинг ўрнини яхшилаш ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисоботлар тақдим этиб бориш.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги Республика кенгашининг ишчи органлари этиб белгиланганлиги ҳамда уларга қуйидаги вазифалар юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

вазирлик ва идоралар билан биргаликда устувор халқаро рейтинг ва индексларда республиканинг ўрнини яхшилаш, шунингдек, ушбу соҳадаги мақсадли кўрсаткичларга эришишга қаратилган амалий чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун Республика кенгашига киритиш;

Олий Мажлис Сенати ва Республика кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда белгиланган чора-тадбирларнинг вазирлик ва идоралар томонидан ижросини доимий мониторинг қилиб бориш;

ҳар йили миллий маъруза тайёрланишини таъминлаш ва уни дастлабки кўриб чиқиш учун Республика кенгашига ҳамда муҳокама қилиш учун Олий Мажлис Сенатига киритиб бориш;

амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, мавжуд тизимли муаммолар, шу жумладан вазирлик ва идораларнинг халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш фаолиятидаги камчиликлари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифларни Республика кенгашига киритиб бориш;

халқаро ташкилотлар, рейтинг агентликлари, мустақил нашрлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро эксперт ва консультантлар билан самарали халқаро ҳамкорлик қилиш;

---

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқаро рейтинг ва индекслар натижалари бўйича эълон қилинган ҳисоботларни оммавий ахборот воситаларида ҳамда халқаро ташкилотларнинг маълумотлар базаларида акс эттириш чораларини кўриш;

соҳага оид халқаро ва хорижий тадбирларда иштирок этиш, республикада давра суҳбатлари, халқаро форум ва конференцияларни ташкил этиш.

5. Олий Мажлис Сенатига бир ой муддатда вазирлик ва идораларни бириктирган ҳолда, устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг рўйхатини ҳамда мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш тавсия этилсин.

6. Халқаро рейтинг ва индексларнинг устувор соҳалари ҳамда уларнинг ишчи органлар бўйича тақсимоти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ишчи органлар Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2024 йил якунига қадар «Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда» ягона портали (кейинги ўринларда — Ягона портал) такомиллаштирилган ҳолда ишга туширилишини ҳамда келгусида унинг барқарор фаолият юритишини таъминласин.

Бунда Ягона порталда устувор халқаро рейтинг ва индекслар соҳасида мақсадли кўрсаткичларга эришишга қаратилган амалий чора-тадбирларни шакллантириш, уларнинг ижросини мониторинг ҳамда таҳлил қилиш тизими жорий этилсин.

8. Стратегик ислоҳотлар агентлиги ҳамда Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази:

устувор халқаро рейтинг ва индексларда юқори ўринларни эгаллаган илғор хорижий давлатлар тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда, уларни Ўзбекистон шароитида татбиқ қилиш имкониятларини баҳолаб борсин;

ҳар йили 1 сентябрга қадар мамлакатимизнинг рейтинг кўрсаткичларини яхшилашга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни жорий қилиш бўйича янги таклиф ва ташаббусларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Республика кенгашига киритиб борсин.

9. Мутасадди вазирлик ва идоралар:

ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 10-санасига қадар устувор халқаро рейтинг ва индекслар бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришишга қаратилган амалий чора-тадбирларнинг ижроси юзасидан ахборотни, шунингдек, тегишли маълумотлар, статистика ахборотлари ва бошқа материалларни ишчи органларга киритиб борсин;

тегишли рейтинг ҳисоботлари эълон қилингандан сўнг бир ҳафта муддатда ишчи органларга таҳлилий маълумотлар тақдим этиб борсин;

ҳар йили 1 декабрга қадар ўзларига бириктирилган халқаро рейтинг ва индексларнинг таркибий индикаторлари кесимида келгуси йил учун амалий чора-тадбирлар дастурига киритиш учун таклифларни ишлаб чиқиб, ишчи органларга киритсин.

10. Белгилансинки, устувор халқаро рейтинг ва индекслар бўйича халқаро ташкилотларнинг маълумотлар базаларидан фойдаланиш, уларга обуна бўлиш, рейтинг агентликлари мутахассисларини, халқаро эксперт ва кон-

сультантларни жалб қилиш, республикада форумлар ҳамда бошқа тадбирлар ташкил этиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш, Ягона порталнинг такомиллаштириш ва уни сақлаб туриш ҳамда устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан боғлиқ бошқа харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланади.

11. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ишчи органлар ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда республиканинг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари, уларнинг жамият ҳаётидаги тутган ўрни ҳамда моҳиятини аҳоли орасида кенг ёритиб бориш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 19 июнь,
ПФ–91-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 19 июндаги
ПФ–91-сон Фармонига
2-ИЛОВА

## Халқаро рейтинг ва индексларнинг устувор соҳалари ва уларнинг ишчи органлар бўйича тақсимоти

**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:**

1. Иқтисодий самарадорлик.
2. Инсон камолоти, барқарор ривожланиш ва туризм.
3. Соғлиқни сақлаш.
4. Электрон ҳукумат.
5. Глобал рақобатбардошлик.
6. Таълим.
7. Гендер тенглик ва ижтимоий инклюзивлик.

**Адлия вазирлиги:**

1. Ҳуқуқ устуворлиги.
2. Коррупцияга қарши курашиш ва шаффофлик.
3. Бошқарув сифати.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 19 июндаги
ПФ–91-сон Фармонига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4210-сон қарори 2-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Республикадаги тадқиқот институтларига уларга бириктирилган алоҳида халқаро рейтинглар бўйича қуйидаги вазифалар юклансин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги «Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–246-сон қарорида:

а) 2-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги «Инновацион ривожланиш вазирлиги» сўзлари тегишли келишикдаги «Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Молия ва Адлия вазирликлари» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида (кейинги ўринларда — Академия) давлат органларининг бошқарув кадрлари учун устувор халқаро рейтинг ва индекслар бўйича ҳар йили бир маротаба қисқа муддатли малака ошириш курслари (кейинги ўринларда — малака ошириш курслари) жорий этилсин»;

в) 7-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

г) 9-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 19 июндаги
ПФ–91-сон Фармонига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–5635-сон Фармони 15-бандининг тўртинчи хатбошиси ва Фармонга 3-илова.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида»ги ПФ–5687-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги ПФ–6003-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6257-сон Фармонига 2-илованинг 4-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–6268-сон Фармонига 1-илованинг 8-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–6280-сон Фармонига 1-илованинг 8-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–197-сон Фармонига 1-илова.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги «Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–198-сон Фармонининг 11-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги

«Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ–257-сон Фармонига 5-илованинг 7-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 июлдаги «Маъмурий ислоҳотлар доирасида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–108-сон Фармонига 5-илованинг 4 ва 12-бандлари.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4210-сон қарорининг 7-банди ва қарорга илова.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4796-сон қарорининг 12-банди ва қарорга 6-илова.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги «Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–246-сон қарорининг 1, 3, 4-бандлари ҳамда қарорга илова.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–462-сон қарорига 4-илованинг 2-банди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 198 Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни самарали ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда самарали ҳамда янги бозор механизмларини жорий этиш, агрокластерлар, фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга хизматлар кўрсатишни янги тамойиллар асосида ташкил этиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги ислоҳотларни самарали ташкил этишни янада жадаллаштириш мақсадида давлат муассасаси шаклида «Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офиси (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси) ташкил этилсин.

Лойиҳа офиси 2024 йилда устувор равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги ПҚ–109-сон қарори билан тасдиқланган 2024 йилда стратегик йўналишлардаги ислоҳотларни амалга ошириш чора-тадбирлар режасида назарда тутилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларидаги стратегик ислоҳотларнинг амалга оширилишига эътибор қаратсин.

2. Қуйидагилар:

«Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офисининг асосий фаолият йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага** мувофиқ;

«Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офиси томонидан биринчи босқичда фаолияти такомиллаштириладиган Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Лойиҳа офиси директорига қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари учун белгиланган ваколатлар берилади;

Лойиҳа офиси директори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Лойиҳа офиси штат бирликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инс-

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 21 июнда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

пекцияси, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда тизим ташкилотларининг амалдаги штатлари доирасида шакллантирилади;

Лойиҳа офиси ҳар ойда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасини ислоҳ қилиш ҳолати, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб боради;

давлат органлари раҳбарлари Лойиҳа офисига ҳар томонлама кўмаклашади, шу жумладан унинг сўровига кўра ўз ходимларининг ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни сақлаб қолган ҳолда эксперт сифатида юборилишини таъминлайди;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари ҳамда бошқа давлат органлари Лойиҳа офиси томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилишини таъминлайди;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасига оид масалаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Лойиҳа офиси билан келишилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Лойиҳа офиси фаолиятини мувофиқлаштириб, унинг самарали фаолиятини таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Лойиҳа офисини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

2024 йилда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизими учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, шу жумладан ривожлантириш дастурлари учун ажратилган маблағларнинг иқтисод бўладиган қисми, 2025 йилдан бошлаб — Давлат бюджети параметрларида назарда тутиладиган маблағлар;

2024 йилда Давлат бюджети параметрларида пиллани қайта ишловчи ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳар бир қути ипак қурти уруғи учун субсидияларга кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан 5 миллиард сўм;

Лойиҳа офисининг асосланган таклифларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида жалб қилинадиган грант маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бир ой муддатда Лойиҳа офисининг низомини, шунингдек, унинг тузилмаси, штат бирликлари сони, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини тасдиқласин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Лойиҳа офиси:

а) 2024 йилда:

қишлоқ хўжалиги учун ишчилар сонини мавжуд ер майдонига боғлаш бўйича мезонларни ишлаб чиқсин;

қишлоқ хўжалиги соҳасида суғурта хизматларини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида уларни республикага жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ҳудудларда фаолият кўрсатаётган озиқ-овқат саноати корхоналарининг мавжуд қувватларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш;

соҳада ўз ечимини кутиб турган муаммоларни бартараф этиш учун халқаро молия институтларининг грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

Лойиҳа офиси уч ой муддатда юқори нуфузга эга қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хорижий олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича алоҳида ихтисослашган марказ фаолиятини ташкил этсин;

мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини текшириш ва экспорт улушини ошириш учун халқаро молия институтларининг 3,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағлари ҳисобидан Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида халқаро талабларга мос бўлган 3 та замонавий лаборатория ташкил этиш чораларини кўрсин;

3-иловада* белгиланган ташкилотлар фаолиятини қайта кўриб чиқсин ва иш самарадорлигини ошириш бўйича зарур чоралар кўрсин;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда аграр соҳадаги олий таълим муассасалари талабалари билимини, педагогларининг малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари фаолиятини халқаро тажрибалар асосида баҳолаш тизимини такомиллаштирсин;

Тошкент давлат аграр университетида таълим йўналишларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказсин;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотларидан 1 нафардан салоҳиятли ходимларни асосий ишидан ажралган ҳолда Лойиҳа офиси эксперти сифатида доимий фаолият олиб бориши учун юборилишини таъминласин.

Бунда, экспертлар номзоди Лойиҳа офиси билан келишилган ҳолда аниқланади ҳамда уларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тизим ташкилотлари томонидан қопланади.

8. Лойиҳа офисига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

тегишли вазирлик ва идоралар, уларнинг тизимидаги муассасалар, илмий-тадқиқот муассасаларининг тажрибали мутахассисларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, шартнома асосида Лойиҳа офиси фаолиятига жалб қилиш;

---

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишлаб чиқилган лойиҳаларни ҳудудий ташкилотлар, туман (шаҳар) ёки ҳудуд мисолида тажриба-синовдан ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотларидан зарур статистик, таҳлилий ҳамда бошқа маълумотларни сўраб олиш ва уларнинг электрон ахборот тизимларидан бепул фойдаланиш.

9. Лойиҳа офиси директорига хорижий мутахассислар, эксперт, консультант ва маслаҳатчиларни тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб этиш, ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий ёки чет эл валютасида, шу жумладан маблағларни уларнинг хориждаги ҳисобварақларига ўтказиш орқали тўлаш, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар, уларнинг таркибий тузилмалари мутахассисларини ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларига жалб қилиш, улар иштирокида эксперт комиссиялари ва ишчи гуруҳларини тузиш ҳуқуқи берилсин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Лойиҳа офисини Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй манзили бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маъмурий биносига бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирсин;

бир ой муддатда Лойиҳа офиси фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан уни жиҳозлаш, зарур моддий-техник воситалар ва алоқа турлари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.

Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 20 июнь,
ПҚ–227-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 20 июндаги
ПҚ–227-сон қарорига
1-ИЛОВА

## «Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офисининг асосий фаолият йўналишлари

1. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, шу жумладан ўсимликлар карантини ва ҳимояси, ветеринария, чорвачилик ва наслчилик-селекция, пиллачилик, яйловлардан фойдаланиш соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар ва истиқболли ташаббусларни ишлаб чиқиш.

2. Халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, халқаро баҳолаш ташкилотлари ва консалтинг компаниялари томонидан берилган тавсияларни умумлаштириш ҳамда мақбул ташаббусларнинг самарали имплементация қилинишини таъминлаш.

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида суғурта хизматларини ривожлантириш бўйича таклифларни шакллантириш, ушбу йўналишдаги мақбул ташаббусларнинг амалиётга татбиқ қилинишини таъминлаш.

4. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан соҳага ажратилаётган субсидия маблағлари самарадорлигининг таҳлили асосида уларнинг натижадорлигини ошириш.

5. Етакчи экспертлар, консультантлар, маслаҳатчилар ва жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда соҳада ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш ва интенсив усулда маҳсулот етиштириш, шунингдек, соҳада хизмат кўрсатишни илғор хорижий тажриба асосида амалга ошириш бўйича таклифларни тайёрлаш.

6. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишда юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, уларни Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мослаштириш, қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш.

7. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасини институционал таҳлил қилиш ва ислоҳотларнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда соҳага бозор тамойилларини жорий этиш.

8. Хорижий экспертлар ва халқаро ташкилотларни жалб этган ҳолда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасини рақамлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнларига замонавий ахборот тизимларини жорий этиш бўйича янги ташаббусларни ишлаб чиқиш.

9. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таклифларни тайёрлаш.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 199 Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари такомиллаштирилиб, жамиятда коррупция иллатига нисбатан муросасиз муҳитни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашишнинг замонавий механизмлари кенг жорий этилиб, уларнинг фаолиятида очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорликни ошириш бўйича тизимли чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, аҳоли ва давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларга «ҳалоллик вакцинаси»ни сингдириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш тизимини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги босқичга олиб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясига мувофиқ аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириб боришнинг кенг қамровли тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ва Бош прокуратурасининг аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз оширишга қаратилган «Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» электрон платформасини (кейинги ўринларда — Виртуал академия) 2025 йил 1 январдан жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ёш авлод онгига ҳалоллик қадриятларини сингдириш;

коррупцияга қарши курашишга масъул ҳамда коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган давлат хизмати лавозимларидаги ходимларнинг билим, кўникма ва малакаларини доимий равишда ошириб бориш;

давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини баҳолаш ва сертификатлаш ҳамда сертификат олган давлат хизматчиларининг реестрини юритиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги миллий ва хорижий тажриба, илмий, услубий ва амалий ишланмалар, эришилган ютуқлар бўйича электрон маълумотлар базасини юритиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 22 июнда эълон қилинган.

коррупцияга қарши курашишнинг долзарб муаммолари юзасидан илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини, шу жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш.

3. Белгилансинки, Виртуал академияда ўқув фаолиятини ташкил этиш ва юритиш Агентлик ҳамда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (кейинги ўринларда — Академия) томонидан амалга оширилади. Бунда:

а) Агентлик:

коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитилиши лозим бўлган давлат хизматчилари контингентини шакллантиради ва Академия билан келишган ҳолда йиллик ўқитиш режа-графигини тасдиқлайди;

ўқув жараёни сифатли ташкил этилишини мониторинг қилиб боради;

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати, коррупциявий хавф-хатарлар ва тадқиқот натижаларини инобатга олиб, янги ўқув модулларини жорий этиш бўйича Академияга таклифлар киритади;

ўқитиш тизимининг самарали фаолият кўрсатиши учун ўқув жараёнига жалб қилинган давлат органлари ва ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

Академия билан биргаликда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига Виртуал академия фаолияти юзасидан ахборот киритади;

б) Академия:

Виртуал академиянинг узлуксиз ишлашини, ўқув контенти ва материаллари билан мунтазам тўлдирилиши ва янгилаб борилишини таъминлайди;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқув жараёнини ташкил этади, шу жумладан ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади, ўқув курслари ҳақидаги маълумотларни Виртуал академияда жойлаштиради;

тингловчиларнинг билимларни ўзлаштириши натижалари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантиради, ўқув курсларини тамомлаган шахсларнинг реестрини юритади;

ўқув жараёнига давлат органлари ва ташкилотларининг, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг малакали мутахассисларини, шу жумладан хорижий экспертларни жалб қилади.

4. Виртуал академияда ўқитиш қуйидаги контингент учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув дастурлари асосида олиб борилади:

аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари вакиллари;

таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари;

давлат органлари ва ташкилотларининг давлат хизматчилари (кейинги ўринларда — давлат хизматчилари);

давлат иштирокидаги корхоналарнинг ходимлари.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) Виртуал академияда ўқитиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида базавий ҳамда махсус ўқув курслари бўйича йўлга қўйилади. Бунда:

базавий ўқув курсларида ўқитиш барча фойдаланувчилар учун бепул асосда ташкил этилади;

махсус ўқув курсларида малака ошириш тўлов-шартнома асосида амалга оширилади;

б) давлат хизматчиларига Виртуал академиянинг махсус ўқув курсларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида малакасини ошириш мажбурий ҳисобланади. Бунда:

давлат хизматчиси ишга қабул қилинганидан сўнг уч ой ичида ўқув курсидан ўтади;

давлат хизматчилари малакасини оширишнинг даврийлиги ҳар уч йилда камида бир мартани ташкил этади;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ва коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган давлат хизмати лавозимларида фаолият кўрсатувчи ходимлар учун махсус курслар чуқурлаштирилган ўқув дастурлари асосида олиб борилади;

в) давлат хизматчилари ҳисобланмайдиган шахсларни махсус ўқув курсларида ўқитиш ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

6. Қуйидагилар Виртуал академия фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

Академиянинг бюджетдан ташқари маблағлари;

Агентликнинг ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ташкилотларнинг грантлари ва маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. «Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» электрон платформасининг самарали фаолиятини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича «йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) махсус ўқув курсларида тўлов-шартнома асосида малака ошириш учун тўлов миқдори Академиянинг Васийлик кенгаши томонидан Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

б) махсус ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган шахсларга Агентлик ва Академия томонидан тасдиқланадиган намунадаги сертификат берилади;

в) давлат хизматчиларининг малакасини ошириш билан боғлиқ харажатлар тегишли давлат органи ёки ташкилотига ушбу мақсадлар учун назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида ёхуд уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади;

г) тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар Академия ҳисобварағида жамланади ва қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

Виртуал академия фаолиятида фойдаланишга оид материалларни тайёрлаш учун буюртмалар бериш;

Виртуал академия фаолиятини таъминлашга масъул ходимларни моддий рағбатлантириш ва уларнинг малакасини ошириш;

---

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Виртуал академиянинг узлуксиз ишлаши ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

ўқитиш жараёнига тегишли ходимлар, илмий-педагогик кадрлар ва мутахассисларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш.

Бунда, ўқитишдан тушадиган маблағлар юқорида назарда тутилган харажатлар қопланганидан сўнг Агентлик ва Академиянинг бюджетдан ташқари жамғармаларига тенг улушларда тақсимланади.

9. Давлат органлари ва ташкилотлари мунтазам равишда ўз ходимларининг Виртуал академияда коррупцияга қарши курашиш соҳасида малакасини ошириб боришларини таъминласин.

Давлат иштирокидаги корхоналарга ходимларини Виртуал академияда коррупцияга қарши курашиш соҳасида малакасини ошириш чораларини кўриб бориш тавсия этилсин.

10. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган илмий тадқиқотларни тизимли ва самарали ташкил этиш мақсадида:

Агентлик томонидан олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилиши мумкин бўлган тавсиявий йиллик илмий-тадқиқот мавзуларини шакллантириш;

барча олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижаларини Агентликка тақдим этиш;

Академия томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида эришилган ютуқлар, миллий ва хорижий тажриба, илмий, услубий ва амалий ишланмалар ҳамда илмий-тадқиқот ишлари бўйича электрон маълумотлар базасини муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда юритиш тартиби жорий этилсин.

Агентлик ва Академия соҳадаги илмий тадқиқотларни мақсадли ва сифатли амалга ошириш, натижаларини оммалаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига мунтазам равишда таклифлар киритиб борсин.

11. Агентлик ва Академия:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Виртуал академияда ўқитишни ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

2025 йил 1 январга қадар «Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» электрон платформаси ва унинг мобиль иловасини ишга туширсин.

12. Академия Агентлик, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда:

2024 йил 1 октябрга қадар таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари учун Виртуал академияда ташкил этиладиган махсус дастурлар ва контентнинг ишлаб чиқилишини;

мунтазам равишда таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари учун махсус дастурлар ва контентнинг янгилаб борилишини таъминласин.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги таълим олувчилар учун Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси (GRACE) дастури доирасида сифатли мультипликацион фильм, видеолавҳа ва аудиоматериалларни яратиш мақсадида хорижий инвестициялар, грантлар ҳамда ҳомийлик хайрияларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

13. Агентлик ва Бош прокуратура Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Агентлик икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Агентлик директори А.Э. Бурханов ва Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси Т.К. Нарбаева ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 21 июнь,
ПҚ–228-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 200 Рақамли криминалистика соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш доирасида электрон тижорат ва рақамли хизматлардан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали тергов қилиш махсус рақамли усул ва воситалардан фойдаланишни, рақамли далиллар билан ишлаш техникасини ишлаб чиқишни, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда бу борада тизимли илмий-тадқиқот базасини яратишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда жиноятларни ўз вақтида ва тўла фош этиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини сўзсиз амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш, шу жумладан, шахснинг айбини илмий-техник жиҳатдан асосланган ишончли далиллар билан исботлаш жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясига (кейинги ўринларда — Академия) қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

рақамли криминалистика соҳасида инновацион тадқиқотлар олиб бориш, катта ҳажмдаги маълумотлар («Big Data»), сунъий интеллект ва бошқа илғор технологияларни таҳлил қилиб, амалиётга жорий этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноятларнинг рақамли изларини аниқлаш, олиб қўйиш, сақлаш ва тадқиқ қилиш бўйича тезкор-қидирув тадбирлари, терговга қадар текширув ва тергов ҳаракатларини ўтказишда рақамли криминалистика жиҳатидан амалий ёрдам бериш;

рақамли экспертизанинг замонавий технологиялари ва воситаларини жорий этиш;

жиноятларни тергов қилиш доирасида рақамли маълумотларни излайдиган, тўплайдиган ва таҳлил қиладиган, шунингдек, крипто-активлар, «булутли технологиялар» ва бошқалардан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларни аниқлайдиган замонавий технологиялар ва воситаларни жорий этиш;

кибержиноятчиликка қарши курашиш соҳасида халқаро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиришда иштирок этиш, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;

кибержиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ва замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмага эга малакали кадрлар тайёрлаш;

рақамли криминалистика бўйича суд экспертизаларини ўтказиш методикаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш;

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 22 июнда эълон қилинган.

рақамли технологиялар ёрдамида содир этилган жиноятларни фош этиш ва уларни тергов қилиш амалиётидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

2. Академия зиммасига юкланган қўшимча вазифалар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Академиянинг Рақамли криминалистика илмий-услубий маркази негизида Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

3. Белгилансинки:

Институт Академия тузилмасига киради ва юридик шахс мақомисиз ташкил этилади;

Институт таркибида Ихтисослаштирилган рақамли тадқиқот маркази, Рақамли терговга кўмаклашиш бўлими, Услубий ёрдам кўрсатиш бўлими ва Рақамли криминалистика лабораторияси каби бўлинмалар фаолият олиб боради;

Институт фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш мақсадида қўшимча 10 та штат бирлиги ажратилади;

Институт фаолиятини бюджет ҳисобидан сақлаш билан боғлиқ харажатлар 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Бош прокуратурага ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2024 йил 1 августдан Институтга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

рақамли криминалистика бўйича суд экспертизалари ва тадқиқотларни ўтказиш;

жиноятларнинг рақамли изларини аниқлаш, олиб қўйиш, сақлаш ва тадқиқ қилиш ҳамда ўрганилган маълумотлар бўйича хулосалар тайёрлаш;

рақамли криминалистика соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларни замонавий рақамли криминалистика экспертиза турлари бўйича масофавий ва анъанавий тарзда ўқитиш;

рақамли криминалистика фаолиятини амалга ошириш ҳамда махсус криминалистика лабораториялари ишини самарали ташкил этиш учун шартнома асосида малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари доирасида ҳамда техник восита ва бутловчи эҳтиёт қисм сифатида фойдаланиш учун Ички ишлар вазирлигида юритиладиган рақамли ахборот ташувчи қурилмалар (мобил телефон, смартфон, планшет, компьютер техникаси, видеорегистратор, қаттиқ диск, флеш хотира ва ташқи жамлагичлар) коллекциясидан фойдаланиш;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш учун зарур бўлган статистик ва бошқа ахборотни вазирликлар ва идоралардан бепул асосда сўраб олиш.

6. Институт:

суд-экспертлик фаолияти қамровини кенгайтириш мақсадида 2024 йил якунига қадар катта ҳажмдаги маълумотлар («Big Data») экспертизаси ўтказилишини йўлга қўйсин;

бошқа давлат суд-экспертиза муассасалари билан биргаликда рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятлар бўйича рақамли далилларни тадқиқ қилиш юзасидан экспертиза турларини яратиш чораларини кўриб борсин.

7. Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизматининг давлат сирлари билан боғлиқ бўлмаган маълумотларни ўз ичига қамраб олувчи «Рақамли далиллар ягона реестри» идоралараро автоматлаштирилган тизимининг (кейинги ўринларда — Реестр) синов версиясини 2025 йил 1 мартга қадар, 2025 йил 1 августга қадар тўлиқ версиясини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Реестрнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар назарда тутилсин:

жиноятларни фош этиш, тергов самарадорлигини ошириш, уюшган жиноий гуруҳларни тезкорлик билан аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан тушаётган жиноий ишлар бўйича давлат сирлари билан боғлиқ бўлмаган материалларни йиғиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва таҳлил қилиш;

давлат сирларига оид бўлмаган фотосуратлар, видео, аудио ёзувлар, электрон ҳамёнлар, крипто-активлар манзиллари, IP-манзиллар, Интернет манзиллар (домен), ҳисобга олиш ёзуви (аккаунт), рақамли далилларнинг аниқланган жойи, вақти ва бошқа муҳим белгилари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш;

рақамли далиллар базасида давлат сирларига оид бўлмаган ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва ҳимоя қилиш механизмлари, ахборот инфратузилмаси ишончлилиги, маълумотлар базаларининг захираларини таъминлаш.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Реестрни ишлаб чиқиш ва зарур ускуналарни харид қилиш суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш ваколатига эга давлат органларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

рақамли далилларни Реестрга киритиш прокуратура, ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг суриштирувчи ва терговчилари ҳамда давлат суд-экспертиза муассасалари, давлат органларининг экспертиза бўлинмалари экспертлари томонидан амалга оширилади;

Реестр Академия серверларида сақланади ҳамда унинг узлуксиз ишлаши, ахборот хавфсизлиги таъминланиши учун Академия масъул ҳисобланади.

9. Бош прокуратура:

бир ой муддатда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Академиянинг харажатлар сметалари ва штат жадвалига мазкур қарорга мувофиқ ўзгартишлар киритсин;

уч ой муддатда Институтни малакали, ўзига юклатилган вазифаларни юксак профессионал даражада бажаришга қодир кадрлар, биринчи навбатда, ахборот технологиялари ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар билан тўлдирсин;

Институт, унинг бўлинмалари ва ходимларини мебель, компьютер техникаси, алоқа воситалари, рақамли криминалистика йўналишидаги махсус аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситалар билан таъминласин;

Академияда тергов, суриштирув ходимлари ва тергов соҳасида назоратни амалга ошириш учун масъул бўлган прокурорлар, шу жумладан, прокурор-криминалистлар учун рақамли далилларни аниқлаш, сақлаш ва таҳлил қилишга оид қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т. Йўлдошев белгилансин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 21 июнь,
ПҚ–229-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 21 июндаги
ПҚ–229-сон қарорига
3-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ–2036-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомнинг 27-банди рус тилидаги матнида:

еттинчи хатбоши «старшие преподаватели и старшие прокуроры» сўзларидан кейин «, а также старшие прокуроры-криминалисты» сўзлари билан тўлдирилсин;

саккизинчи хатбоши «преподаватели и прокуроры» сўзларидан кейин «, а также прокуроры-криминалисты» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2065-сон қарорига 1-иловани рус тилидаги матнининг «Наименование должности» устунида:

5-позициядаги «(управления, факультета, отдела, центра)» сўзлари «(института, управления, лаборатории, факультета, отдела, центра)» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-позициядаги «старший преподаватель, старший прокурор отдела (управления, факультета, центра)» сўзлари «старший преподаватель, старший прокурор-криминалист, старший прокурор отдела (управления, лаборатории, факультета, центра)» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-позициядаги «преподаватель, прокурор отдела (управления, факультета, центра)» сўзлари «преподаватель, прокурор-криминалист, прокурор отдела (управления, лаборатории, факультета, центра)» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган Давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхатининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси» бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Бошлиқ

Бошлиқнинг биринчи ўринбосари

Бошлиқ ўринбосари

Бошлиқ ёрдамчиси

Кафедра (институт, бошқарма, факультет, бўлим, марказ, лаборатория) бошлиғи

Профессор

Доцент
Катта ўқитувчи
Ўқитувчи
Бўлим (бошқарма, факультет, марказ) катта прокурори
Бўлим (лаборатория) катта прокурори-криминалисти
Бўлим (бошқарма, факультет, марказ) прокурори
Бўлим (лаборатория) прокурори-криминалисти
Бош мутахассис
Етакчи мутахассис
1-тоифали мутахассис
2-тоифали мутахассис».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 201 Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизими самарадорлигини таъминлаш, уларнинг касбий билим, кўникма ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш, Президент мактабларида тўпланган илғор тажрибаларни умумий ўрта таълим муассасаларига кенг татбиқ этиш мақсадида:

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг:

Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти негизида А. Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтини (кейинги ўринларда — Институт) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари негизида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларини (кейинги ўринларда — Ҳудудий марказлар) ташкил этиш;

Тошкент шаҳар педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тасарруфидаги Республика педагогик таълим ресурс маркази фаолиятини уларни Институтга қўшиш орқали тугатиш;

мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги таълим ташкилотларининг халқаро тадқиқотларда муносиб иштирокини таъминлаш учун Институт тузилмасида унинг умумий штат бирликлари доирасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Халқаро тадқиқотлар марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

А. Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтининг асосий вазифалари 1-иловага мувофиқ;

Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага** мувофиқ;

2030 йилгача мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича эришиладиган мақсадли кўрсаткичлар 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини (кейинги ўринларда — ходимлар) қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизими жорий қилинади. Бунда:

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 июнда эълон қилинган.
* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда — Мактабгача таълим институти) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бўйсунувига ўтказилади;

Ҳудудий марказларнинг мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти Мактабгача таълим институти томонидан мувофиқлаштирилади;

мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича мавжуд қувватларни кенгайтириш учун 4-иловадаги* 11 та педагогика коллежи бино ва иншоотлари, тегишли мол-мулки билан бирга Ҳудудий марказлар тасарруфига ўтказилади;

Ҳудудий марказлар тасарруфига ўтказиладиган педагогика коллежлари фаолияти уларда таълим олаётган ўқувчилар ўқишини тамомлаши муддатларига мос равишда босқичма-босқич тугатилади ва уларнинг бино ва иншоотларидан мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадларида фойдаланилади;

мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича «Виртуал касбий ривожлантириш» электрон дастури жорий этилади.

4. 2025 йил 1 январдан бошлаб мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини касбий ривожлантиришнинг қуйидаги тартиби жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини касбий эҳтиёжлари ва малака тоифасидан келиб чиқиб табақалашган таълим дастурлари асосида узлуксиз касбий ривожлантиришнинг вертикал тизими (вазирлик — малака ошириш муассасаси — таълим ташкилоти) йўлга қўйилади;

б) мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларининг ходимлари учун беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда ўтказиладиган малака ошириш курслари жорий қилинади. Бунда:

раҳбар кадрлар учун малака ошириш курслари менежерлик ўқув курслари учун жорий этилган тартиб асосида, педагог ва мутахассис кадрлар учун — вариатив (ихтиёрий танлов) ва инвариант (мажбурий) модуллардан иборат бўлган ҳамда уларда замонавий компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган таълим дастурлари бўйича ташкил этилади;

малака ошириш курсларида таълим олаётган тингловчилар билимини баҳолаш жараёнларининг педагог кадрларга малака тоифасини бериш ва уларни касбий сертификатлаш тизимлари билан узвийлиги таъминланади;

малака ошириш курслари оралиғида ходимларнинг ўзаро тажриба алмашиш ва ўзини ўзи мустақил ривожлантиришга асосланган узлуксиз касбий ривожлантириш шакллари ташкил этилади;

в) малака ошириш тизими натижаларини баҳолашнинг янги тартиби жорий этилади ва унинг доирасида мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларининг фаолият самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади;

г) Президент мактабларида ўқувчиларни ўқитиш, касб-ҳунарга йўналти-

---

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

риш, уларда танқидий фикрлаш, ахборотни излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш, олинган билимларни амалиётда қўллаш бўйича тўпланган илғор тажрибалар узлуксиз касбий ривожлантириш тизими орқали умумий ўрта таълим муассасаларига кенг татбиқ этилади.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб педагог ва мутахассис кадрлар касбий ривожланишининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида барча умумий ўрта таълим муассасаларида малака оширишнинг «Касбий ривожланиш соати», таянч умумий ўрта таълим муассасаларида эса, шунингдек, «Касбий ривожланиш куни» каби шакллари босқичма-босқич жорий этилади. Бунда:

«Касбий ривожланиш соати» ва «Касбий ривожланиш куни» тадбирларини ташкил этиш учун ҳар бир туман (шаҳар)да юқори малакали ўқитувчилар орасидан фанлар кесимида ментор-ўқитувчилар таркиби шакллантирилади;

«Касбий ривожланиш соати» доирасида фан методика бирлашмалари ва ментор-ўқитувчилар томонидан ўқитувчиларнинг дарслари таҳлил қилинади, уларга методик ёрдам кўрсатилади, касбий ривожланиши бўйича тавсиялар берилади;

«Касбий ривожланиш куни» доирасида ҳар битта фан бўйича таянч умумий ўрта таълим муассасалари танланади ва ушбу муассасаларда ўқитувчилар учун касбий ривожлантириш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилади;

Институт ва Ҳудудий марказларда ментор-ўқитувчилар учун алоҳида тайёрлов курслари ташкил этилади;

ментор-ўқитувчи сифатида фаолият юритаётган фан ўқитувчиларига асосий иш жойи бўлган умумий ўрта таълим муассасаси директор жамғармаси ҳисобидан лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида қўшимча ҳар ойлик устама ҳақ тўланади.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) икки ой муддатда «Касбий ривожланиш соати» ва «Касбий ривожланиш куни» тадбирларини ўтказиш тартибини тасдиқласин.

6. Белгилансинки, 2024 йил 1 июлдан бошлаб мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларининг хорижда малака ошириш курсларида ўқиганлиги ёки стажировкадан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатлари (диплом, сертификат, гувоҳнома ва бошқалар) миллий узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинади.

Бунда хориждаги малака ошириш курслари ва стажировкаларга қўйиладиган талаблар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) 2025 йил 1 январга қадар Институт ва Ҳудудий марказларга камида бир нафардан нуфузли хорижий олий таълим ташкилотларини битирган чет эллик мутахассисларни, шунингдек, ушбу муассасаларнинг методик хизмат кўрсатиш бўлимлари методисти лавозимига юқори малакали ва тажрибали кадрларни жалб қилсин.

Белгилансинки:

Институт ва Ҳудудий марказларнинг методик хизмат кўрсатиш бўлимлари методистларининг базавий тариф ставкаси миқдори олий таълим муас-

сасаси илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган катта ўқитувчисининг базавий тариф ставкасига тенглаштирилади;

Институт ва Ҳудудий марказларнинг мазкур қарорга мувофиқ жалб қилинадиган чет эллик мутахассисларига Президент мактабларининг хорижий мутахассисларига нисбатан жорий этилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

Институт ва Ҳудудий марказларга чет эллик мутахассисларни жалб қилиш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазири жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплашга рухсат этилади.

8. Институт ва Ҳудудий марказларга ўқув машғулотларини олиб бориш учун бакалавр даражасига эга бўлган, касбий фаолиятида юқори натижаларга эришган ҳамда тегишли халқаро ёки миллий сертификатларни қўлга киритган мутахассисларни ишга қабул қилишга рухсат этилсин. Бунда:

Институт ва Ҳудудий марказларнинг бакалавр даражасига эга бўлган мутахассисларига нисбатан олий таълим муассасаларининг илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган ассистент ўқитувчилари учун белгиланган лавозим маоши қўлланади;

бакалавр даражасига эга бўлган мутахассисларга қўйиладиган талаблар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

9. 2024 — 2027 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш бўйича асосий параметрлар 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

Ҳудудий марказларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун талаб этиладиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида (кейинги ўринларда — Дастур) лойиҳа-қидирув ишлари учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан ажратилади;

2024 йилда Ҳудудий марказларда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун талаб этиладиган 50 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар Дастур доирасида ажратилади, 2025 йилдан бошлаб эса, Дастурни шакллантиришда белгиланган тартибда инобатга олинади;

Ҳудудий марказларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи этиб — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш» инжиниринг компанияси, жиҳозлаш ишлари бўйича — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги «Таъминот ва логистика хизмати» давлат унитар корхонаси белгиланади.

11. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги соғломлаштириш оромгоҳлари 6-иловага* мувофиқ Мактабгача ва мактаб таълими вазир-

* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лиги тизими ходимлари, илғор педагоглар ҳамда иқтидорли ўқувчилар учун мўлжалланган дам олиш масканлари сифатида қайта ташкил этилсин.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) ҳамда Кадастр агентлиги (Ф. Пулатов) билан биргаликда икки ой муддатда ушбу дам олиш масканлари уставларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда тегишли кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш чораларини кўрсин.

12. Белгилансинки, мазкур қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 7-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) уч ой муддатда:

мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришни ташкил этишга оид Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Институт ва Ҳудудий марказларга профессионал, малакали ва замонавий талабларга жавоб берадиган маъмурий-бошқарув ва педагог ходимлар, шу жумладан, хорижий мутахассисларни танлов асосида қабул қилиш тартибини жорий этсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 21 июнь,
ПҚ–231-сон

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 21 июндаги
ПҚ–231-сон қарорига
1-ИЛОВА

## А. Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтининг асосий вазифалари

1) Президент мактабларида ўқувчиларни ўқитиш, касб-ҳунарга йўналтириш, уларда танқидий фикрлаш, ахборотни излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш, олинган билимларни амалиётда қўллаш бўйича тўпланган илғор тажрибаларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизими орқали умумий ўрта таълим муассасаларига кенг татбиқ этиш;

2) раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизими самарадорлигини таъминлаш, уларнинг касбий билим, кўникма ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш, малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг анъанавий, муқобил, дуал ва мустақил шаклларини амалиётга кенг жорий этиш;

3) малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни замон талаблари ва хорижий илғор тажрибалар асосида такомиллаштириб бориш;

4) келажак мактаби, унинг раҳбари ва ўқитувчисининг моделини яратиш асосида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг касбий стандартларини ишлаб чиқиш ва доимий тарзда ривожлантириб бориш, ўқув-методик фаолиятнинг таълим жараёни билан алоқаларини мустаҳкамлаш;

5) давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари учун узлуксиз касбий ривожлантириш курсларининг намунавий ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш ва доимий янгилаб бориш;

6) умумий ўрта таълим соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, хорижий етакчи таълим ташкилотлари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш;

7) умумий ўрта таълимнинг долзарб муаммолари юзасидан турли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-услубий конференция ва семинарлар ташкил этиш;

8) докторантура йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ходимларнинг касбий билим даражасини доимий ошириб бориш;

9) «Узлуксиз касбий таълим» махсус электрон платформасини юритиш ва унинг фаолиятини такомиллаштириб бориш.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIMI VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING
QARORI

### 202 Umumiy o'rta ta'lim muassasalarining uzaytirilgan kun guruhlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalar to'lovini undirish va undan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2820-2*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF–269-son "Yangi O'zbekiston ma'muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi hamda 2023-yil 26-maydagi PF–79-son "Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi hamda uning tizimidagi tashkilotlar faoliyatini samarali tashkil yetish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmonlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi va Moliya vazirligining 2016-yil 12-iyuldagi 7-mh, 52-son qarori (ro'yxat raqami 2820, 2016-yil 3-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016-y., 31 son, 383-modda) bilan tasdiqlangan Umumiy o'rta ta'lim muassasalarining uzaytirilgan kun guruhlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalar to'lovini undirish va undan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Maktabgacha va maktab ta'limi vaziri** **X. UMAROVA**

Toshkent sh.,
2024-yil 29-may,
6-mh-son

**Iqtisodiyot va moliya vaziri** **D. KUChKAROV**

Toshkent sh.,
2024-yil 28-may,
127-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 11-iyunda e'lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligining
2024-yil 29-maydagi 6-mh-son va Iqtisodiyot va
moliya vazirligining 2024-yil 28-maydagi
127-son qaroriga
ILOVA

## Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarining uzaytirilgan kun guruhlarida bolalar ta’minoti uchun ota-onalar to‘lovini undirish va undan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Jismoniy, aqliy, sensor yoki ruhiy nuqsonlari bo‘lgan bolalar uchun davlat ixtisoslashtirilgan ta’lim muassasalarining (maktablar, maktab-internatlar) uzaytirilgan kun guruhlari Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 12-oktabrdagi 638-son qarori bilan tasdiqlangan Jismoniy, aqliy, sensor yoki ruhiy nuqsonlari bo‘lgan bolalar uchun davlat ixtisoslashtirilgan ta’lim muassasalari to‘g‘risida nizomga muvofiq faoliyat yuritadi.”.

2. 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. To‘lov umumiy o‘rta ta’lim muassasasining shaxsiy g‘azna hisobvarag‘iga o‘tkaziladi.”.

3. 25-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“25. Uzaytirilgan kun guruhlarining buxgalteriya hisobini yuritish umumiy o‘rta ta’lim muassasasining buxgalteri yoki maktabgacha va maktab ta’limi tuman (shahar) bo‘limlarida markazlashtirilgan moliya-buxgalteriya xizmatlari tomonidan amalga oshiriladi.”.

4. 27 va 28-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“27. Umumiy o‘rta ta’lim muassasasining direktori va buxgalteri yoki maktabgacha va maktab ta’limi tuman (shahar) bo‘limlarida markazlashtirilgan moliya-buxgalteriya xizmatining bosh buxgalteri to‘lovlarning maqsadli sarflanishi uchun javobgar hisoblanadi.

28. To‘lovlardan tushgan mablag‘larning o‘z vaqtida qabul qilinishi hamda maqsadli sarflanishi ustidan nazorat O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligining Ichki audit va moliyaviy nazorat departamenti tomonidan olib boriladi.

O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi va uning hududiy bo‘linmalari maktabgacha va maktab ta’limi muassasalarining budjetdan tashqari jamg‘arma mablag‘lari bo‘yicha xarajatlar smetalarida nazarda tutilgan mablag‘lardan maqsadli va oqilona foydalanish yuzasidan dastlabki va joriy nazoratni amalga oshiradi.”.

## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI O‘ZBEKISTON TEXNIK JIHATDAN TARTIBGA SOLISH AGENTLIGI DIREKTORINING BUYRUG‘I

### 203 “O‘zstandart” agentligida standartlashtirish bo‘yicha normativ hujjatlar toifalarini tayyorlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 11-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1422-4*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 30-martdagi 177-son “Standartlashtirish faoliyatini takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq, **buyuraman:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Direktor** **A. JUMANAZAROV**

Toshkent sh.,
2024-yil 3-iyun,
18-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 14-iyunda e’lon qilingan.

O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish
agentligi direktorining 2024-yil 3-iyundagi
18-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar**
**RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2004-yil 8-noyabrdagi 362-son “O‘zstandart” agentligida standartlashtirish bo‘yicha normativ hujjatlar toifalarini tayyorlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1422, 2004-yil 11-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2004-y., 45-46-son, 475-modda).

2. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2013-yil 4-iyundagi 240-son “O‘zstandart” agentligida standartlashtirish bo‘yicha normativ hujjatlar toifalarini tayyorlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1422-1, 2013-yil 24-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-yil, 26-son, 339-modda).

3. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2015-yil 13-apreldagi 151-son “O‘zstandart” agentligida standartlashtirish bo‘yicha normativ hujjatlar toifalarini tayyorlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1422-2, 2015-yil 24-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-yil, 16-son, 203-modda).

4. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2018-yil 17-martdagi 115/1-son “O‘zstandart” agentligida standartlashtirish bo‘yicha normativ hujjatlar toifalarini tayyorlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1422-3, 2018-yil 19-aprel) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 2018-yil 20-aprel, 10/18/1422-3/1089-son).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI HUZURIDAGI STATISTIKA AGENTLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INVESTITSIYALAR, SANOAT VA SAVDO VAZIRLIGINING
QARORI

## 204 “Davlat va bojxona tashqi savdo statistikasi ma’lumotlarini yig‘ish va qayta ishlash uslubiyati to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1717-3*

O‘zbekiston Respublikasining “Rasmiy statistika to‘g‘risida”gi va “Davlat bojxona xizmati to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi, Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi **qaror qiladi:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Statistika agentligi direktori** **B. BEGALOV**

Toshkent sh.,
2024-yil 22-may,
6-mb-son

**Iqtisodiyot va moliya vaziri** **D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2024-yil 17-may,
122-son

**Investitsiyalar va tashqi savdo vaziri** **L. KUDRATOV**

Toshkent sh.,
2024-yil 22-may,
01-23-4846-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 19-iyunda e’lon qilingan.

*Kelishildi:*

***Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o'zgarishi vaziri*** *A. ABDUXAKIMOV*
2024-yil 3-may

O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining
2024-yil 22-maydagi 6-mb-son, Iqtisodiyot va moliya
vazirligining 2024-yil 17-maydagi 122-son hamda
Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligining
2024-yil 22-maydagi 01-23-4846-son qaroriga
ILOVA

**O'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar**
**RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, Davlat bojxona qo'mitasi, Iqtisodiyot vazirligi va Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiyalar va savdo vazirligining 2007-yil 27-avgustdagi 11, 01-02/15-23, 31 va EG-01/10-4715-son "Davlat va bojxona tashqi savdo statistikasi ma'lumotlarini yig'ish va qayta ishlash uslubiyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1717, 2007-yil 20-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2007-y., 37-38-son, 396-modda).

2. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, Davlat bojxona qo'mitasi, Iqtisodiyot vazirligi va Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiyalar va savdo vazirligining 2013-yil 3-sentabrdagi 5-mb, 01-02/15-26, 42 va 13-son "Davlat va bojxona tashqi savdo statistikasi ma'lumotlarini yig'ish va qayta ishlash uslubiyati to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1717-1, 2013-yil 20-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 38-son, 504-modda).

3. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, Davlat bojxona qo'mitasi, Iqtisodiyot va sanoat vazirligi, Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligining 2019-yil 27-martdagi 2-QQ, 01-02/15-18, 4, 01-25-2051-1-son "Davlat va bojxona tashqi savdo statistikasi ma'lumotlarini yig'ish va qayta ishlash uslubiyati to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1717-2, 2019-yil 15-aprel) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 15.04.2019-y., 10/19/1717-2/2937-son).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘I

## 205 “Shoshilinch tibbiy yordam ko‘rsatish uchun transport vositasining salonida bo‘lishi shart bo‘lgan zarur tibbiy ashyolar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2241-1*

O‘zbekiston Respublikasi “Yo‘l harakati to‘g‘risida”gi Qonunining 47-moddasiga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2011-yil 22-iyundagi 178-son “Shoshilinch tibbiy yordam ko‘rsatish uchun transport vositasining salonida bo‘lishi shart bo‘lgan zarur tibbiy ashyolar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘iga (ro‘yxat raqami 2241, 2011-yil 5-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 27-son, 287-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq 2024-yil 21-iyul kunidan e’tiboran kuchga kiradi.

**Vazir** **A. XUDAYAROV**

Toshkent sh.,
2024-yil 5-iyun,
17-son

*Kelishildi:*

***Ichki ishlar vaziri*** ***P. BOBOJONOV***

*2024-yil 4-iyun*

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 19-iyunda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
sog‘liqni saqlash vazirining 2024-yil 5-iyundagi
17-son buyrug‘iga
ILOVA

**“Shoshilinch tibbiy yordam ko‘rsatish uchun transport vositasining salonida bo‘lishi shart bo‘lgan zarur tibbiy ashyolar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. Buyruqda:

a) nomi va 1-banddagi “Shoshilinch tibbiy” degan so‘zlar “Birlamchi shoshilinch” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

b) muqaddimadagi ““Yo‘l harakati xavfsizligi to‘g‘risida”gi Qonunining (O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1999-y., 9-son, 215-modda) 17-moddasiga” degan so‘zlar ““Yo‘l harakati to‘g‘risida”gi Qonunining 47-moddasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Ro‘yxatda:

a) nomidagi “Shoshilinch tibbiy” degan so‘zlar “Birlamchi shoshilinch” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

b) 3-bobdan 1-pozitsiya chiqarib tashlansin.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## 206 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3518*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 февралдаги 100-сон «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 28 май,
17/11-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 21 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2024 йил
28 майдаги 17/11-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/8-сон қарори (рўйхат рақами 3002, 2018 йил 25 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.04.2018 й., 10/18/3002/1102-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомнинг 1-иловаси 46-позицияси, 2-иловаси 23-позицияси ва 3-иловаси ўттиз бешинчи хатбошисидаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 26 майдаги 19/2-сон қарори (рўйхат рақами 3031, 2018 йил 2 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2018 й., 10/18/3031/1441-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиш қоидаларининг 40-иловаси 23-позициясидаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/6-сон қарори (рўйхат рақами 3219, 2020 йил 10 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.02.2020 й., 10/20/3219/0160-сон) билан тасдиқланган Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомнинг 1-иловаси 20-позицияси ва 9-иловаси 1-позицияларидаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/12-сон қарори (рўйхат рақами 3229, 2020 йил 13 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2020 й., 10/20/3229/0455-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомда:

33-банднинг иккинчи хатбошиси ва 49-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Давлат солиқ қўмитасининг» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

65-банднинг «г» ва «д» кичик бандларидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 14 сентябрдаги 1/7-сон қарори (рўйхат рақами 3320, 2021 йил 17 сен-

тябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.09.2021 й., 10/21/3320/0879-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эсдалик пул белгиларини тайёрлаш, сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-банди ва 4-илова матнидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRINING BUYRUG‘I

## 207 Urug‘lik chigit tayyorlovchi korxonalarda urug‘lik paxtani qayta ishlashda uskunalarni belgilangan me’yorlar asosida sozlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3519*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 15-dekabrdagi PQ–391-son “Paxtachilikda urug‘chilik tizimini rivojlantirish hamda paxta hosildorligini oshirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Urug‘lik chigit tayyorlovchi korxonalarda urug‘lik paxtani qayta ishlashda uskunalarni belgilangan me’yorlar asosida sozlash tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi, O‘zbekiston Savdo-sanoat palatasi va O‘zbekiston fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oy o‘tgach kuchga kiradi.

**Vazir** **I. ABDURAHMONOV**

Toshkent sh.,
2024-yil 29-may,
13-son

*Kelishildi:*

***Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil*** ***D. KASIMOV***

*2024-yil 25-may*

***Texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktori*** ***A. JUMANAZAROV***

*2024-yil 22-may*

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 21-iyunda e’lon qilingan.

*Savdo-sanoat palatasi raisi* *D. VAXABOV*

*2024-yil 15-may*

*O‘zbekiston fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi raisi* *A. XAITOV*

*2024-yil 28-may*

O‘zbekiston Respublikasi
qishloq xo‘jaligi vazirining 2024-yil 29-maydagi
13-son buyrug‘iga
ILOVA

**Urug‘lik chigit tayyorlovchi korxonalarda urug‘lik paxtani qayta ishlashda uskunalarni belgilangan me’yorlar asosida sozlash tartibi to‘g‘risidagi**
**NIZOM**

Mazkur Nizom urug‘lik chigit tayyorlovchi korxonalarda (bundan buyon matnda urug‘lik tayyorlash korxonalari deb yuritiladi) urug‘lik paxta va chigitni qayta ishlashda (paxtani uzatish, quritish, iflos aralashmalardan tozalash, chigitdan tolani ajratish, chigitdan momiqni ajratish, urug‘lik chigitni tozalash, saralash, dorilash,qadoqlash, saqlash va tashishda) uskunalarni belgilangan me’yorlar asosida sozlash tartibini belgilaydi.

**1-bob. Umumiy qoidalar**

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo‘llaniladi:

**urug‘lik paxta g‘arami** (bundan buyon matnda g‘aram deb yuritiladi) — seleksiya navi, avlodi va sanoat navi, tipi, sinfi bir xil bo‘lgan urug‘lik paxtani maxsus saqlash maydonchalarida jamg‘arish;

**urug‘lik paxta** — urug‘lik chigit olish uchun mo‘ljallanib, ekilgan maydonlardan terilgan paxta;

**urug‘lik chigit** — urug‘lik paxtani qayta ishlash natijasida olingan, ekish uchun mo‘ljallangan chigit;

**urug‘lik chigitni dorilash** — urug‘lik chigit tayyorlash sexlarida, urug‘lik chigitni o‘simliklarni turli qishloq xo‘jaligi kasallik va zararkunandalardan himoya qilish maqsadida kimyoviy preparatlar (suspenziya) bilan ishlov berish;

**urug‘lik chigit tayyorlash (qayta ishlash) sexi** (bundan buyon matnda sex deb yuritiladi) — urug‘lik chigitni tayyorlash (tozalash, saralash, dorilash, qadoqlash) uchun texnologik asbob-uskunalar o‘rnatilgan ixtisoslashtirilgan korxona;

**paxta momig‘i** (bundan buyon matnda momiq deb yuritiladi) — paxtadan tola ajratilgandan keyin chigitda qolgan kalta tola;

**chigitning mexanik shikastlanishi** — urug‘lik paxtani terganda, tashiganda va qayta ishlash jarayonida urug‘lik chigitining shikastlanishi (chigit qobig‘idagi siniq,darzlar, teshiklar, chigit qobig‘i bir qismining yo‘qligi).

2. Urug‘lik tayyorlash korxonalarida urug‘lik paxtani qayta ishlashdan oldin texnologik asbob-uskunalar urug‘lik chigit olishga moslashtiriladi.

## 2-bob. Urug‘lik paxtani qayta ishlashda uskunalarni belgilangan me’yorlar asosida sozlash

3. Urug‘lik tayyorlash korxonalari tomonidan urug‘lik paxta g‘aramda bir yarim — ikki oy davomida saqlanadi va g‘aramda chigitlar to‘liq fiziologik yetilgandan so‘ng, qayta ishlanadi.

4. Urug‘lik paxtani qayta ishlashdan oldin seleksiya navlarning mexanik aralashuvini oldini olish maqsadida texnologik asbob-uskunalar qoldiq paxta va chigitdan tozalanadi.

5. Urug‘lik paxtani qayta ishlashdan oldin urug‘lik tayyorlash korxonaning moddiy javobgar shaxslari tomonidan texnologik asbob-uskunalarning sozligi haqida dalolatnoma rasmiylashtiriladi.

6. Urug‘lik paxtani dastlabki qayta ishlash jarayonida g‘aramdagi paxta uzatuv quvuriga qo‘l kuchi yoki maxsus texnikalar orqali beriladi.

7. Urug‘lik paxtani qayta ishlashda dastlab ushbu paxtaning texnik 1-navi va 1-sinfi, shundan so‘ng R-3, R-2, R-1 va elita avlodlari ishlanadi.

8. Urug‘lik tayyorlash korxonasining mas’ul mutaxassislari tomonidan g‘aramlarni qayta ishlash tugallangandan so‘ng, texnologik asbob-uskunalarni tozalash ishlari o‘tkaziladi.

Bunda, urug‘lik tayyorlash korxonasining mas’ul mutaxassislari ushbu tozalash ishlari yakuni bo‘yicha dalolatnoma rasmiylashtiradi.

## 3-bob. Qayta ishlashga berilgan urug‘lik paxtani quritish

9. Qayta ishlashga berilgan urug‘lik paxtani quritish uchun urug‘lik tayyorlash korxonasi issiqlik yetkazib berish va paxta bilan ta’minlash tizimlariga ega bo‘lishi hamda paxta quritgichlari bilan jihozlangan bo‘lishi kerak.

10. Urug‘lik paxtani quritish uskunasining aylanish tezligi 8 — 10 aylana/daqiqa bo‘lishi kerak.

11. Urug‘lik paxtaga issiqlik yetkazib berish tizimi issiqlik ishlab chiqargichni va tutun so‘rgichni o‘z ichiga oladi.

12. Oson tozalanadigan seleksiya navli urug‘lik paxtadan ajratiladigan urug‘lik chigit sifatini saqlash va uning mexanik shikastlanishini kamaytirish maqsadida namligi 8,0 foizgacha bo‘lgan paxta quritish uskunasidan sovuq havo haydaladi.

13. Qiyin tozalanadigan seleksiya navli urug‘lik paxta namligi 8,0 foiz va undan ko‘p bo‘lganda quritish uskunalarida issiq havo berish yo‘li bilan quritiladi.

Bunda, issiq yoki sovuq quritishning havo sarfi 18 — 20 ming $m^3$/soatni tashkil qiladi.

14. Urug‘lik paxtani tozalashdan oldin oson tozalanadigan seleksiya navli

urug‘lik paxtaning namligi 7,0-8,0 foiz, qiyin tozalanadigan seleksiya navli urug‘lik paxta esa 6,5 — 7,0 foiz bo‘lishi kerak.

15. Issiqlik ishlab chiqargichni tayyorlash va ishga tushirishda mutaxassislar tomonidan quyidagilar bajarilishi talab etiladi:

issiqlik ishlab chiqargichning umumiy holati ko‘rib chiqish va sozlovchi moslamalar (qopqoqlar, kranlar), ijrochi mexanizmlarning (qopqoq xarakatlantirgichlari, yonilg‘i oqimini berkitish avtomatining) harakatlanishini, mahkamlash bolt ulamalarining ishonchliligini ta’minlash;

yonilg‘i uzatgichlar butligini, ularda talab etilgan bosim borligini, yonilg‘i oqib ketmasligini ta’minlash;

ventilyator, tutun so‘rgich va issiq havo o‘tkazgichlarini ishga tushirishga tayyorligini ta’minlash;

nazorat-o‘lchov asboblari borligi, butunligi va yaroqligini tekshirish;

yo‘naltiruvchi apparat ohista havo bosimi 70 mm suv ustuni ko‘rsatguncha ochilishi, ventilyator yurgizilishi va asta-sekin avvaliga ikkilamchi (pastki) havo kanal qopqog‘i 2-3 bo‘limga va keyin birlamchi kanal qopqog‘i 1-bo‘limga ochilishi;

havo o‘tkazish quvuri va aralashtirish kamerasi qopqoqlari yordamida yonish jarayoni va quritish ko‘rsatkichlari (sarfi, harorati) muvofiqlashtirilishi.

## 4-bob.Urug‘lik paxtani tozalash

16. Urug‘lik paxtani iflos aralashmalardan tozalashda paxta tozalash agregati (bundan buyon matnda agregat deb yuritiladi) qo‘llaniladi.

17. Urug‘lik paxtani tozalash jarayonida urug‘lik chigitning mexanik shikastlanishining oldini olish maqsadida agregatdagi qoziqli barabanlar va turli yuza oraliq masofalari 14 — 16 mm, arrachali baraban va ajratuvchi cho‘tka 0 — 2 mm va yuza oraliq tirqishi arrachali baraban va kolosnikli panjara oraliq tirqishlari 18 — 20 mm bo‘lishi kerak.

18. Iflosligi 3,0 foizgacha bo‘lgan, oson tozalanadigan seleksiya navli urug‘lik paxtani tozalash jarayonida arrali seksiyalar ishlatilmasdan, agregatda faqat 8 ta qoziqli barabanlar blokini ishlatish talab etiladi.

19. Iflosligi 3,0 — 8,0 foizgacha bo‘lgan, oson tozalanadigan seleksiya navli urug‘lik paxtani agregatda 2 ta arrali seksiya va 8 ta qoziqli barabanlar blogini ishlatish va ularga tutashgan bir yoki ikkita qoziqli paxta tozalagichlarning ishlatilishi talab etiladi.

20. Iflosligi 3,0 foizgacha bo‘lgan, qiyin tozalanadigan seleksiya navli urug‘lik paxtani tozalash jarayonida agregatda bitta arrali seksiya va 8 ta qoziqli barabanlar blokini va ularga tutashgan bir yoki ikkita qoziqli paxta tozalagichlarning ishlatilishi talab etiladi.

21. Iflosligi 3,0 — 8,0 foizgacha bo‘lgan, qiyin tozalanadigan seleksiya navli urug‘lik paxtani tozalash jarayonida agregatda yana bitta arrali seksiya qo‘shilishi kerak. Bunda, agregat jihozlari har birining paxta bo‘yicha ishlab chiqarish ish unumdorligi 4,5 t/soatdan (2 ta agregat uchun 9 t/soatdan) yuqori bo‘lmasligi kerak.

22. Urug‘lik paxtani ajratuvchi baraban va arrachali baraban orasidagi oraliq masofa 0 — 2 mmgacha bo‘lishi kerak.

23. Urug‘lik chigit shikastlanishining oldini olish maqsadida agregatdagi kolosniklar va arrachali barabanlar orasidagi oraliq masofa 14 mmdan kam va 16 mmdan ko‘p bo‘lmasligi kerak.

24. Agregatdagi kolosniklar va arrachali barabanlar orasidagi oraliq masofalar ko‘z bilan ko‘rib yoki organoleptik usulda tekshiriladi.

25. Agregatdagi qoziqli barabanlar va to‘rli yuzalar orasidagi tirqish tozalagichni birinchi yig‘ish yoki kapital ta’mirlash paytida o‘rnatiladi.

## 5-bob. Urug‘lik chigitdan tolani ajratish

26. Urug‘lik chigitdan tolani ajratishda arrali va valikli tolani ajratish uskunalari qo‘llaniladi. Urug‘lik tayyorlash korxonalarida chigitdan tolani ajratish jarayoni orta tolalini arrali va uzun tolalini valikli chigitdan tolani ajratish uskunalarida amalga oshiriladi.

27. O‘rta tolalini urug‘lik paxtani qayta ishlashda chigitdan tolani ajratish uskunalarining ish unumdorligi har bir arraga 7,0 kg tola/arra soatdan to‘g‘ri kelishi kerak.

Bunda, chigitdan tolani arra bilan ajratishda ish unumdorligi bitta arraga 7 kg/soat bolishi kerak.

28. Uzun tolali g‘o‘za navlarning urug‘liklari valikli chigitdan tolani ajratish uskunasi umumiy ish unumdorligi birinchi sanoat navli texnik paxtani ishlashdagi ish unumdorligidan 35 foizga kam bo‘lishi kerak.

29. Paxtaning seleksiya navlariga qarab chigitdan tolani ajratish uskunasidan keyingi chigitning tukliligi 12,0 — 13,5 foizdan, chigit shikastlanishining ko‘payish darajasi 1,0 foizdan oshmasligi kerak.

## 6-bob. Urug‘lik chigitdan momiqni ajratish

30. Urug‘lik chigitdan momiqni ajratish texnologik tizimidagi uskunalarning ketma-ketligi, ularning soni va paxtani dastlabki ishlashga muvofiqlashtirilgan texnologiyasi talabiga muvofiq joylashtiriladi.

31. Urug‘lik chigitdan momiqni ajratishdan oldin uskunaning barcha ishchi qismlarini texnik tavsifiga mos ravishda sozlanganligi, ishchi qismlarning oraliq masofalari texnik talab asosida o‘rnatilganligini ko‘zdan kechirish, soz holatga keltirish talab etiladi. Bunda,momiqni ajratish uskunalariga ishchi holatdagi arralar qo‘yiladi (yangi yoki yangidan tish ochilgan arralar qo‘yish taqiqlanadi).

32. Urug‘lik chigitdan momiqni ajratishda paxtani qayta ishlash texnologik asbob-uskunalarini rostlash uchun, dastlab texnik chigit qayta ishlanadi va chigitning tukdorligi hamda mexanik shikastlanishi tahlil qilinadi.

33. Urug‘lik chigitdan momiqni ajratishda texnik nazorati va laboratoriya xodimlari tomonidan har 2 soatda chigitdan namuna olinib, tahlil qilinadi va laboratoriya jurnaliga qayd etiladi.

34. Chigit tuksizlantirish sexlariga yuborilayotgan urug‘lik chigitlarning mexanik shikastlanganlik darajasi 4 % dan ko‘p bo‘lmasligi hamda chigitdagi tola qoldig‘i 0,8 % dan oshmasligi kerak.

## 7-bob. Urug‘lik chigit tayyorlash

35. Urug‘lik chigit tayyorlash ishlari texnologik asbob-uskunalar o‘rnatilgan sexlarda amalga oshiriladi. Urug‘lik chigit tukli va tuksizlantirilgan holda tayyorlanadi. Tuksizlantirish texnologiyasi o‘z navbatida bir yoki ikki bosqichda amalga oshiriladi.

36. Sexda texnologik asbob-uskunalarni sozlash ishlari bajarilgandan so‘ng, seleksiya navlarning mexanik aralashuvini oldini olish maqsadida texnologik asbob-uskunalar qoldiq chigitdan tozalanadi.

37. Urug‘lik chigit tayyorlash jarayonida tozalash, saralash amalga oshirilgandan so‘ng 1000 dona chigitning vazni kamida 2 grammga ortishi lozim.

38. Urug‘lik chigitni saralash uskunasiga ikki qavatli to‘rli yuzalik elaklar o‘rnatilib, urug‘lik tayyorlash jarayonida elak to‘rli yuzasini tez-tez tozalab turish shart. Elak to‘rli yuza teshiklarining o‘lchamlari quyidagicha bo‘lishi lozim:

mayda chigitli seleksiya navlar uchun aylana shaklidagi ustki elak teshiklari diametri 7 mm bo‘lgan ketma ketlikda 2 ta to‘rli yuza o‘rnatiladi va pastki elakda ham ketma ketlikda 2 ta dastlab, o‘lchamlari 3,8 Ч 20 mm bo‘lgan uzunchoq shakldagi teshikli to‘rli yuza va aylana shaklidagi teshikli, diametri 4,0 mm ga teng to‘rli yuza o‘rnatiladi;

yirik chigitli seleksiya navlar uchun aylana shaklidagi ustki elak teshiklari diametri 7,5 mm bo‘lgan ketma ketlikda 2 ta to‘rli yuza o‘rnatiladi va pastki elakda ham ketma ketlikda 2 ta dastlab, o‘lchamlari 4 Ч 20 mm bo‘lgan uzunchoq shakldagi teshikli to‘rli yuza va aylana shaklidagi teshikli, diametri 4,5 mm ga teng to‘rli yuza o‘rnatiladi;

39. Urug‘lik chigitni mexanik shikastlanishi ortib ketmasligi uchun texnologiyadagi chigit tuksizlantirish mashinalarining metall cho‘tkali silindr bilan to‘rli yuza orasidagi tirqishi hamda chigit shneklari va qo‘zg‘almas tagliklar oraliq masofasi 12 — 14 mm bo‘lishi kerak.

40. Urug‘lik chigitni dorilash uskunalari chigit yuzasiga dorilash uchun tayyorlangan suspenziya bir tekisda amalga oshirish uchun purkash moslamalaridan foydalanish talab etiladi.

41. Sexning texnologik asbob-uskunalar me’yorda ishlayotganligi ish unumdorligi va ishchi suspenziya sarfi har 2 soatda biriktirilgan mas’ul xodimlar tomonidan o‘lchanib turiladi.

42. Urug‘lik chigitlarning dorilanish sifati tayyorlangan etalon namunalariga mos kelishi kerak.

43. Urug‘lik chigitni dorilash jarayonida suspenziya to‘g‘ri tayyorlanishi va dori kukunini suvga aralashib erishni va cho‘kindi hosil bo‘lmasligi uchun suspenziyani doimiy qorishtirish mexanizmlarini ishlatish kerak.

44. Tukli dorilanayotgan urug‘lik chigitlarning 1 tonnasiga 25 — 30 litr suspenziya, tuksizlantirilib dorilanayotgan urug‘lik chigitning 1 tonnasi uchun 15 — 20 litr suspenziya sarflanadi.

45. Dorilangan chigitlar qog‘oz qoplarga massasi 30 kg dan oshirmagan holda qoplanishi va og‘zi zich qilib tikilishi kerak.

46. Dorilanib qoplangan urug‘lik chigitlar yopiq (harorati +50 C dan kam

bo‘lmagan holda) omborlarda yog‘och tagliklarga taxlangan holda, nizomga ilovada qayd etilgan holda saqlanadi.

47. Tayyorlangan urug‘lik chigit to‘dalari orasidagi hamda xona devorlari orasidagi masofa 1 m dan kam bo‘lmasligi shart.

48. Urug‘lik chigitni dorilash jarayonida ishchilar maxsus kiyim-bosh, respirator, rezina etik, qo‘lqop bilan ta’minlangan bo‘lishi kerak.

49. Urug‘lik chigit tayyorlash mavsumi yakunlangandan so‘ng asosiy va yordamchi uskunalar chigit qoldiqlaridan tozalanib, ta’mirlash ishlari bajarilishi talab etiladi.

## 8-bob. Yakuniy qoida

50. Mazkur Nizom talablarini buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradi.

Urug‘lik chigit tayyorlovchi korxonalarda
urug‘lik paxtani qayta ishlashda uskunalarni
belgilangan me’yorlar asosida sozlash tartibi
to‘g‘risidagi nizomga
ILOVA

## Omborlarda dorilanib qoplangan urug‘lik chigitlar taxlangan shtabellarning metrdagi o‘lchamlari

| | Uzunligi | Eni | Balandligi |
|---|---|---|---|
| Tukli chigitlar uchun | 20 | 15 | 3 |
| Tuksizlantirilgan chigitlar uchun | 18 | 12 | 3 |
| Kam tukli chigitlar uchun | 18 | 12 | 3 |

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG‘I

## 208 Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3520*

O‘zbekiston Respublikasining “Normativ-huquqiy hujjatlar to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 8-avgustdagi PF–5505-son “Norma ijodkorligi faoliyatini takomillashtirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi, 2022-yil 28-yanvardagi PF–60-son “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi farmonlari hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ–3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 9-oktabrdagi 469-son “Vazirliklar, davlat qo‘mitalari va idoralar me’yoriy hujjatlarining qonuniyligini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori hamda Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash va qabul qilish qoidalariga (ro‘yxat raqami 2565, 2014-yil 28-fevral) muvofiq **buyuraman:**

1. Quyidagilar:

O‘zbekiston Respublikasining “Normativ-huquqiy hujjatlar to‘g‘risida”gi Qonunining 46-moddasiga asosan ilgari qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarga yangi normativ-huquqiy hujjat qabul qilinganligi munosabati bilan zarur o‘zgartishlar va (yoki) qo‘shimchalar kiritilishi hamda ilgari qabul qilingan barcha normativ-huquqiy hujjatlar yoki ularning qismlari, agar ular yangi huquqiy normalarga zid bo‘lsa yoxud yangi normativ-huquqiy hujjat bilan to‘laligicha qamrab olingan yoki amalda o‘z huquqiy ahamiyatini yo‘qotgan bo‘lsa, lekin rasman o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilmagan bo‘lsa, o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilishi lozimligi;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 8-avgustdagi PF–5505-son Farmoni bilan tasdiqlangan Norma ijodkorligi faoliyatini takomillashtirish konsepsiyasida idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni imkon qadar qisqartirish, umumiy tusdagi, harakatsiz va huquqni qo‘llashga ta’sir etmaydigan qonunchilik hujjatlarini qayta ko‘rib chiqish belgilanganligi ma’lumot uchun qabul qilinsin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan ilovaga muvofiq chiqarilsin.

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 21-iyunda e’lon qilingan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Vazir** **A. TASHKULOV**

Toshkent sh.,
2024-yil 19-iyun,
11-mh-son

O‘zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2024-yil 19-iyundagi
11-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

**Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarilayotgan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston Respublikasi qishloq va suv xo‘jaligi vazirining 2007-yil 20-fevraldagi 40-son “Bog‘ va uzumzorlardan maqsadsiz foydalanilgan holatlarda yer ijara shartnomasini bekor qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1663, 2007-yil 14-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 11-son, 104-modda).

2. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Iqtisodiyot vazirligi, Qishloq va suv xo‘jaligi vazirligi, Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiyalar va savdo vazirligi, “O‘zpaxtasanoat” uyushmasining 2007-yil 31-avgustdagi 81, 32, 163, EG-01/22-4209, 01/1829-son “Paxta xom ashyosining xarid narxini va paxta tolasining ulgurji narxini shakllantirish tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1711, 2007-yil 3-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 35-36-son, 369-modda).

3. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2008-yil 14-avgustdagi 17/3-son “O‘zbekiston Respublikasi markaziy banki depozit sertifikatlari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1858, 2008-yil 23-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2008-y., 39-son, 397-modda).

4. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining 2015-yil 28-dekabrdagi 35/8-son “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki depozit sertifikatlari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1858-1, 2016-yil 12-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 2-son, 15-modda).

5. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2009-yil 11-dekabrdagi 534-son “Texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi ekspert kengashlari to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2060, 2010-yil 7-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 1-2-son, 9-modda).

6. O‘zbekiston Respublikasi Monopoliyadan chiqarish va raqobatni

rivojlantirish davlat qo‘mitasining 2010-yil 6-oktabrdagi 14-son “Tabiiy monopoliya subyektlarining davlat reyestrini tuzish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2147, 2010-yil 11-oktabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 40-41-son, 357-modda).

7. O‘zbekiston Respublikasining Xususiylashtirish, monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasining 2013-yil 6-avgustdagi 01/17-26/08-son “Tabiiy monopoliya subyektlarining Davlat reyestrini tuzish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2147-1, 2013-yil 21-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 34-son, 461-modda).

8. O‘zbekiston Respublikasi Monopoliyaga qarshi kurashish qo‘mitasining 2020-yil 29-sentabrdagi 04/19-05/01-son “Tabiiy monopoliya subyektlarining davlat reyestrini tuzish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 2-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2147-2, 2020-yil 13-oktabr) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 13.10.2020-y., 10/20/2147-2/1394-son).

9. O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasining 2023-yil 23-maydagi 04/05-05/01-son “Tabiiy monopoliya subyektlarining davlat reyestrini tuzish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 2-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2147-3, 2023-yil 31-may) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 01.06.2023-y., 10/23/2147-3/0311-son).

10. O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasining 2023-yil 20-sentabrdagi 11/05-05/01-son “Tabiiy monopoliya subyektlarining davlat reyestrini tuzish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 5-bandini o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2147-4, 2023-yil 9-oktabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 10.10.2023-y., 10/23/2147-4/0759-son).

11. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 1-iyuldagi 38-B-son “O‘zgalar parvarishiga muhtoj yolg‘iz fuqarolarga uyda ijtimoiy yordam ko‘rsatish haqidagi nizomni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2243, 2011-yil 11-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 28-son, 294-modda).

12. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2015-yil 3-martdagi 4-B-son “O‘zgalar parvarishiga muhtoj yolg‘iz fuqarolarga uyda ijtimoiy yordam ko‘rsatish haqidagi nizomning 7-bandiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2243-1, 2015-yil 16-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 11-son, 129-modda).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

## 209 Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to‘lash bo‘yicha kompensatsiya pul to‘lovlarining mexanizmi to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2175-8*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 1-iyundagi PF–82-son “Aholiga sifatli ijtimoiy xizmat va yordam ko‘rsatish hamda uning samarali nazorat tizimini yo‘lga qo‘yish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi va 2023-yil 27-dekabrdagi PF–216-son “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi tashkil etilganligi munosabati bilan ayrim vazirlik va idoralarning aholiga ijtimoiy xizmatlar va yordam ko‘rsatish sohasidagi funksiyalarini optimallashtirish to‘g‘risida” farmonlari hamda 2023-yil 27-dekabrdagi PQ–410-son “O‘zgalar parvarishiga muhtoj keksalar va nogironligi bo‘lgan shaxslarga ijtimoiy xizmat va yordam ko‘rsatish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2010-yil 30-noyabrdagi 102-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2175, 2010-yil 30-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 52-son, 531-modda) bilan tasdiqlangan Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to‘lash bo‘yicha kompensatsiya pul to‘lovlarining mexanizmi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.
2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi hamda O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzurida Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti bilan kelishilgan.
3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan kuchga kiradi.

**Vazir** **D. KUChKAROV**

Toshkent sh.,
2024-yil 17-may,
121-son

*Kelishildi:*

*Ijtimoiy himoya milliy agentligi direktori* *M. OLLOYOROV*

*2024-yil 2-may*

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 25-iyunda e’lon qilingan.

***Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti boshlig'i*** ***S. SOXIBNAZAROV***

*2024-yil 13-may*

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil
17-maydagi 121-son buyrug'iga
ILOVA

**Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to'lash bo'yicha kompensatsiya pul to'lovlarining mexanizmi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan qo'shimcha va o'zgartirishlar**

1. Muqaddima "kompensatsiya" degan so'zdan keyin "(bundan buyon matnda — kompensatsiya deb yuritiladi)" degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

2. 1-bandda:

birinchi xatboshidan "(keyingi o'rinlarda — kompensatsiya deb yuritiladi)" degan so'zlar chiqarib tashlansin;

"b" kichik band o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

3. 3-bandning birinchi xatboshisidagi "O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Pensiya jamg'armasi orqali pensiya va nafaqalar" degan so'zlar "O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Pensiya jamg'armasi (bundan buyon matnda — Pensiya jamg'armasi deb yuritiladi) orqali pensiyalar" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 5-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Bunda, ushbu Nizomning 1-bandi "e" va "z" kichik bandlarida keltirilgan imtiyozli shaxslar tomonidan kompensatsiya tayinlash to'g'risida ariza berilganda, arizaga kompensatsiya olish huquqini beruvchi hujjatni ilova qilish talab etilmasdan ushbu shaxslarning kompensatsiya olish huquqi "Elektron hukumat" tizimi idoralararo integratsiyalashuv platformasidan olingan elektron ko'rinishdagi ma'lumotlar va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2002-yil 31-maydagi 188-son qarori bilan tasdiqlangan Yadro poligonlarida va boshqa radiatsiya-yadro obyektlarida xizmatni o'tagan, O'zbekiston Respublikasi hududida yashayotgan O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining ro'yxati asosida aniqlanadi.".

5. 11-bandda:

quyidagi mazmundagi oltinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi tomonidan "Yagona milliy ijtimoiy himoya" axborot tizimi orqali Pensiya jamg'armasining "Pensiya" axborot tizimiga nafaqa oluvchining nafaqa to'lovi to'xtatib turilgani to'g'risidagi elektron ma'lumotlar kelib tushganida;";

oltinchi — to'qqizinchi xatboshilar tegishli ravishda yettinchi — o'ninchi xatboshilar deb hisoblansin;

to'qqizinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Kompensatsiyani to'lash fuqaro yoki uning vasiysi tomonidan

kompensatsiyani to'lashni tiklash to'g'risida ariza taqdim etilgandan, shuningdek shaxsini tasdiqlovchi hujjatni ko'rsatgan kundan boshlab tiklanadi.".

6. 11[1]-bandda:

quyidagi mazmundagi to'rtinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi tomonidan "Yagona milliy ijtimoiy himoya" axborot tizimi orqali Pensiya jamg'armasining "Pensiya" axborot tizimiga nafaqa oluvchining nafaqa to'lovi to'xtatilgani to'g'risidagi elektron ma'lumotlar kelib tushganida;";

to'rtinchi xatboshi beshinchi xatboshisi deb hisoblansin.

7. 13-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Bunda ko'rsatilgan to'lovlar bo'yicha xarajatlarni moliyalashtirish Pensiya jamg'armasi hamda uning hududiy boshqarmalari orqali amalga oshiriladi.".

8. 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"14. Kompensatsiyalarni tayinlash va to'lash ustidan nazorat Bosh prokuratura huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyasi hamda Pensiya jamg'armasi tomonidan amalga oshiriladi.".

## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG‘I

## 210 Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 20-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3251*

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ–3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 9-oktabrdagi 469-son “Vazirliklar, davlat qo‘mitalari va idoralar me’yoriy hujjatlarining qonuniyligini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori hamda Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash va qabul qilish qoidalariga (ro‘yxat raqami 2565, 2014-yil 28-fevral) muvofiq **buyuraman:**

1. Quyidagilar:

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonunining 8-moddasiga asosan davlat hokimiyati va boshqaruv organlarining hujjatlari davlat tilida qabul qilinishi va e’lon etilishi kerakligi;

Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 9-oktabrdagi 469-son qarori bilan tasdiqlangan Vazirliklar, davlat qo‘mitalari va idoralar tomonidan qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarni huquqiy ekspertizadan va davlat ro‘yxatidan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga asosan Adliya vazirligi vazirlik va idoralarning qonunchilikka nomuvofiq bo‘lgan normativ-huquqiy hujjatlarini Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar davlat reyestridan chiqarishga haqli ekanligi belgilanganligi ma’lumot uchun qabul qilinsin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan ilovaga muvofiq chiqarilsin.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

**Vazir** **A. TAShKULOV**

Toshkent sh.,
2024-yil 19-iyun,
12-mh-son

---

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 21-iyunda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2024-yil 19-iyundagi
12-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

**Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarilayotgan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining birinchi o‘rinbosari tomonidan 1994-yil 18-avgustda 87-son bilan tasdiqlangan Tarkibida qimmatbaho metallar mavjud bo‘lgan parchalar va chiqindilarni tayyorlash, qadoqlash, yetkazib berish tartibi, qabul qilish topshirish shartlari, shuningdek iste’molchilar bilan ulardan qimmatbaho metallarni parchalar va chiqindilar ko‘rinishida qabul qilganlik uchun hisob-kitob qilish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma (ro‘yxat raqami 107, 1994-yil 12-oktabr).

2. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi Davlat sug‘urta bosh boshqarmasi tomonidan 68-son bilan tasdiqlangan Soliq idoralari xodimlarini majburiy davlat shaxsiy sug‘urtasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi qoidalar (ro‘yxat raqami 126, 1995-yil 27-fevral).

3. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining o‘rinbosari tomonidan 1995-yil 20-iyulda 76-son bilan tasdiqlangan Korxonalar, muassasalar va tashkilotlarda qimmatbaho metallar va qimmatbaho toshlarni qabul qilish, ishlatish, hisobga olish va saqlash tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma (ro‘yxat raqami 160, 1995-yil 20-iyun).

4. O‘zbekiston Respublikasi mehnat vaziri va Kasaba uyushmasi Kengashi raisi tomonidan 1995-yil 18-dekabrda tasdiqlangan Mehnat muhofazasi bo‘yicha vakil to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 196, 1995-yil 18-dekabr).

5. O‘zbekiston Respublikasi mehnat vaziri tomonidan 1996-yil 29-iyunda tasdiqlangan Mehnat muhofazasi bo‘yicha o‘qishlarni tashkil qilish va bilimlarni sinash to‘g‘risidagi namunaviy nizom (ro‘yxat raqami 272, 1996-yil 14-avgust).

6. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2001-yil 6-iyuldagi 10-son “Mehnat muhofazasi bo‘yicha o‘qishni tashkil etish va bilimini tekshirish to‘g‘risidagi namunaviy nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 272-1, 2001-yil 20-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me’yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2001-y., 14-son).

7. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 12-avgustdagi 156-B-son “Mehnat muhofazasi bo‘yicha o‘qishlarni tashkil qilish va bilimlarni sinash to‘g‘risidagi namunaviy nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 272-2, 2010-yil 24-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 34-son, 295-modda).

8. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 3-noyabrdagi 185-P-son “Mehnat muhofazasi bo‘yicha o‘qishlarni tashkil qilish va bilimlarni sinash to‘g‘risidagi namunaviy nizomga

o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 272-3, 2010-yil 19-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 47-son, 432-modda).

9. O'zbekiston Respublikasi mehnat vaziri tomonidan 1996-yil 29-iyunda tasdiqlangan Mehnat muhofazasi bo'yicha ishlarni tashkil etish to'g'risidagi namunaviy nizom (ro'yxat raqami 273, 1996-yil 14-avgust).

10. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2001-yil 6-iyuldagi 9-son "Mehnat muhofazasi bo'yicha ishlarni tashkil etish to'g'risidagi namunaviy nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 273-1, 2001-yil 21-iyul) (O'zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo'mitalari va idoralarining me'yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2001-y., 14-son).

11. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 6-avgustdagi 154-B-son "Mehnat muhofazasi bo'yicha ishlarni tashkil etish to'g'risidagi namunaviy nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 273-2, 2010-yil 23-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 34-son, 294-modda).

12. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 3-noyabrdagi 186-P-son "Mehnat muhofazasi bo'yicha ishlarni tashkil etish to'g'risidagi namunaviy nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 273-3, 2010-yil 19-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 47-son, 435-modda).

13. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat qo'mitasi tomonidan 1997-yil 31-martda tasdiqlangan Qimmatli qog'ozlarning hosilalarini chiqarish va muomalada bo'lishi tartibi (ro'yxat raqami 320, 1997-yil 2-aprel).

14. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulk qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazini faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazining bosh direktorining 2000-yil 20-oktabrdagi 11-2000-son "Qimmatli qog'ozlar hosilalarini chiqarish va muomalada bo'lishi tartibiga 1-son o'zgartirishlar va qo'shimchalar haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 320-1, 2000-yil 10-noyabr).

15. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi qoshidagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2010-yil 15-oktabrdagi 2010-18-son "Qimmatli qog'ozlar hosilalarini chiqarish va muomalada bo'lishi tartibiga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 320-2, 2010-yil 6-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 44-45-son, 401-modda).

16. O'zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2014-yil 19-fevraldagi 2014-09-son "Qimmatli qog'ozlar hosilalarini chiqarish va muomalada bo'lishi tartibiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 320-3, 2014-yil 26-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014-y., 9-son, 98-modda).

17. O'zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo'mitasi huzuridagi Qimmatli

qog‘ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2018-yil 9-iyuldagi 2018-06-son “Qimmatli qog‘ozlar hosilalarini chiqarish va muomalada bo‘lishi tartibiga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 320-4, 2018-yil 6-avgust) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.08.2018-y., 10/18/320-4/1623-son).

18. O‘zbekiston Respublikasi Kapital bozorini rivojlantirish agentligi direktorining 2019-yil 15-martdagi 2019-21-son “Qimmatli qog‘ozlarning hosilalarini chiqarish va muomalada bo‘lish tartibiga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 320-5, 2019-yil 4-aprel) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 04.04.2019-y., 10/19/320-5/2882-son).

19. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo‘mitasi raisi birinchi o‘rinbosarining 1997-yil 18-iyundagi “Ayirboshlanadigan qimmatli qog‘ozlarni joylashtirish va muomalada bo‘lish tartibi to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 351, 1997-yil 1-iyul) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi 24.09.2019-y., 10/19/351-4/3798).

20. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo‘mitasi huzuridagi Qimmatli qog‘ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2010-yil 15-oktabrdagi 2010-19-son “Ayirboshlanadigan qimmatli qog‘ozlarni joylashtirish va muomalada bo‘lish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 351-1, 2010-yil 6-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 44-45-son, 400-modda).

21. O‘zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo‘mitasi huzuridagi Qimmatli qog‘ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2014-yil 19-fevraldagi 2014-10-son “Ayirboshlanadigan qimmatli qog‘ozlarni joylashtirish va muomalada bo‘lish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 351-2, 2014-yil 26-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014-y., 9-son, 99-modda).

22. O‘zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo‘mitasi huzuridagi Qimmatli qog‘ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2016-yil 16-dekabrdagi 2014-18-son “Ayirboshlanadigan qimmatli qog‘ozlarni joylashtirish va muomalada bo‘lish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 351-3, 2017-yil 18-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 3-son, 46-modda).

23. O‘zbekiston Respublikasi Kapital bozorini rivojlantirish agentligi direktorining 2019-yil 12-sentabrdagi 2019-55-son “Ayirboshlanadigan qimmatli qog‘ozlarni joylashtirish va muomalada bo‘lish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 351-4, 2019-yil 24-sentabr) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 24.09.2019-y., 10/19/351-4/3798-son).

24. O‘zbekiston pochta va telekommunikatsiya agentligi bosh direktorining 1997-yil 30-sentabrdagi “Umumiy foydalanish telekommunikatsiya tarmoqlari operatorlarining o‘zaro tashkiliy-texnikaviy hamkorligi tartibi to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 378, 1997-yil 15-dekabr).

25. O‘zbekiston Respublikasi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya

texnologiyalari davlat qo‘mitasi raisining 2013-yil 13-iyundagi 29-mh-son “Umumiy foydalanish telekommunikatsiya tarmoqlari operatorlarining o‘zaro tashkiliy-texnikaviy hamkorligi tartibi to‘g‘risidagi vaqtinchalik nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 378-1, 2013-yil 21-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 25-son, 331-modda).

26. O‘zbekiston Respublikasi axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirining 2015-yil 27-martdagi 104-mh-son “Umumiy foydalanish telekommunikatsiya tarmoqlari operatorlarining o‘zaro tashkiliy-texnikaviy hamkorligi tartibi to‘g‘risidagi vaqtinchalik nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 378-2, 2015-yil 30-mart) (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 13-son, 165-modda).

27. O‘zbekiston Respublikasi Fan va texnika Davlat qo‘mitasi tomonidan 1998-yil 16-martda, Moliya vazirligi tomonidan 1998-yil 15-aprelda, Davlat soliq qo‘mitasi tomonidan 1998-yil 30-aprelda, Davlat bojxona qo‘mitasi tomonidan 1998-yil 27-martda tasdiqlangan Xalqaro va xorijiy tashkilotlar va jamg‘armalar hamda ilmiy texnikaviy hamkorlik bo‘yicha xalqaro bitimlar doirasida xorijdan keltirilayotgan pul mablag‘lari va asbob-uskunalarning ajratilgan grantlar maqsad va vazifalariga muvofiqligi to‘g‘risida xulosalar berish tartibi (ro‘yxat raqami 438, 1998-yil 18-may) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me’yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2001-y., 16-son).

28. O‘zbekiston Respublikasi Fan va texnika Davlat qo‘mitasi, Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat bojxona qo‘mitasining 2001-yil 28-avgustdagi 16, 89, 2001-84, 02/20-15-son “Xalqaro va xorijiy tashkilotlar va jamg‘armalar hamda ilmiy texnikaviy hamkorlik bo‘yicha xalqaro bitimlar doirasida xorijdan keltirilayotgan pul mablag‘lari va asbob-uskunalarning ajratilgan grantlar maqsad va vazifalariga muvofiqligi to‘g‘risida xulosalar berish tartibiga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 438-1, 2001-yil 29-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me’yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2001-y., 16-son).

29. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Fan va texnika taraqqiyoti bo‘yicha muvofiqlashtirish kengashi huzuridagi Fan va texnologiya bo‘yicha markazi, Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat bojxona qo‘mitasining 2002-yil 14-noyabrdagi 3, 123, 2002-83, 01-02/20-46-son “Xalqaro va xorijiy tashkilotlar va jamg‘armalar xamda ilmiy texnikaviy hamkorlik bo‘yicha xalqaro bitimlar doirasida xorijdan keltirilayotgan pul mablag‘lari va asbob-uskunalarning ajratilgan grantlar maqsad va vazifalariga muvofiqligi to‘g‘risida xulosalar berish tartibiga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 438-2, 2002-yil 26-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me’yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2002-y., 22-son).

30. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ilmiy texnika taraqqiyotini muvofiqlashtirish kengashi huzuridagi Fan va texnologiyalar markazi, Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat bojxona qo‘mitasining 2003-yil 5-noyabrdagi 10, 115, 2003-75, 01-02/8-45-son “Xalqaro va xorijiy tashkilotlar va jamg‘armalar hamda ilmiy texnikaviy hamkorlik bo‘yicha xalqaro bitimlar doirasida xorijdan keltirilayotgan pul mablag‘lari va asbob-uskunalarning

ajratilgan grantlar maqsad va vazifalariga muvofiqligi to‘g‘risida xulosalar berish tartibiga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 438-3, 2003-yil 21-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me’yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2003-y., 21-22-son).

31. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Fan va texnologiyalarni rivojlantirishni muvofiqlashtirish qo‘mitasi, Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat bojxona qo‘mitasining 2007-yil 30-yanvardagi 1, RA/12-06-14/10, 2007-10, 01-02/20-6-son “Ilmiy-texnika hamkorligi bo‘yicha xalqaro va xorijiy tashkilotlar va fond hamda xalqaro bitimlar grantlari doirasida chet eldan keltirilgan pul mablag‘lari va uskunalarga xulosalarni berish tartibiga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 438-4, 2007-yil 12-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 7-8-son, 71-modda).

32. O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligining 2022-yil 22-avgustdagi 6-q/q-son, Moliya vazirligining 2022-yil 22-avgustdagi 01/13-0-32/693-son, Davlat soliq qo‘mitasining 2022-yil 16-avgustdagi 2022-25-son va Davlat bojxona qo‘mitasining 2022-yil 11-avgustdagi 13/02-22-28-son “Xalqaro va xorijiy tashkilotlar va jamg‘armalar hamda ilmiy texnikaviy hamkorlik bo‘yicha xalqaro bitimlar doirasida xorijdan keltirilayotgan pul mablag‘lari va asbob-uskunalarning ajratilgan grantlar maqsad va vazifalariga muvofiqligi to‘g‘risida xulosalar berish tartibiga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 438-5, 2022-yil 9-sentabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 09.09.2022-y., 10/22/438-5/0814-son).

33. O‘zbekiston Respublikasi mehnat vaziri tomonidan 1999-yil 29-noyabrda 2080/04-1-son bilan tasdiqlangan Mehnat organlariga bo‘sh ish joylari (vakant lavozimlar) mavjudligi to‘g‘risida va mo‘ljallanayotgan xodimlar ishdan ozod etilishi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni taqdim etish tartibi haqidagi nizom (ro‘yxat raqami 858, 1999-yil 22-dekabr).

34. O‘zbekiston Respublikasi mehnat vazirining 2000-yil 31-maydagi 1058/03-1-son “Mehnat organlariga bo‘sh ish joylari (vakant lavozimlar) mavjudligi to‘g‘risida va mo‘ljallanayotgan xodimlar ishdan ozod etilishi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni taqdim etish tartibi haqidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 858-1, 2000-yil 14-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me’yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2000-y., 12-son).

35. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2007-yil 23-iyuldagi M-38-son “Mehnat organlariga bo‘sh ish joylari (vakant lavozimlar)ning mavjudligi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni va bo‘shatilishi mo‘ljallanayotgan xodimlar haqidagi axborotni taqdim qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 858-2, 2007-yil 25-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 35-36-son, 357-modda).

36. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 4-avgustdagi 151-B-son “Mehnat organlariga bo‘sh ish joylari (vakant lavozimlar) mavjudligi to‘g‘risida va mo‘ljallanayotgan xodimlar ishdan ozod etilishi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni taqdim etish tartibi haqidagi nizomga

o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 858-3, 2010-yil 6-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 32-son, 272-modda).

37. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2017-yil 23-oktabrdagi 30-B-son “Mehnat organlariga bo‘sh ish joylari (vakant lavozimlar) mavjudligi to‘g‘risida va mo‘ljallanayotgan xodimlar ishdan ozod etilishi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni taqdim etish tartibi haqidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 858-4, 2017-yil 10-noyabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 13.11.2017 g., 10/17/858-4/0238-сон).

38. O‘zbekiston Respublikasi bandlik va mehnat munosabatlari vazirining 2019-yil 26-fevraldagi 7-2019/B-son “Mehnat organlariga bo‘sh ish joylari (vakant lavozimlar) mavjudligi to‘g‘risida va mo‘ljallanayotgan xodimlar ishdan ozod etilishi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni taqdim etish tartibi haqida nizomga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 858-5, 2019-yil 6-mart) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.03.2019-y., № 10/19/858-5/2720).

39. O‘zbekiston Respublikasi Mehnat vazirligi tomonidan 1999-yildagi 4-dekabrda tasdiqlangan Mehnat muhofazasi bo‘yicha yo‘riqnomalarni ishlab chiqish to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 870, 2000-yil 7-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me’yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2000-y., 1-son).

40. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi va O‘zbekiston Respublikasi Ijtimoiy ta’minot vazirligi tomonidan 2000-yil 19-yanvarda tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash davolash-profilaktika muassasalarida vaqtincha mehnatga layoqatsizlik ekspertizasi to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 872, 2000-yil 19-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me’yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2000-y., 2-son).

41. Sog‘liqni saqlash vazirining o‘rinbosari tomonidan 2000-yil 3-yanvarda, Moliya vazirining o‘rinbosari tomonidan 2000-yil 3-yanvarda 2-son bilan tasdiqlangan Epidemiyalarga qarshi kurash bo‘yicha tadbirlar uchun budjet assignatsiyalarini sarflash va epidemiyalarga qarshi kurashga yuborilgan tibbiyot va boshqa xodimlarning xizmat safarini to‘lash tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnoma (ro‘yxat raqami 895, 2000-yil 11-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me’yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2000-y., 3-son).

42. O‘zbekiston pochta va telekommunikatsiyalar agentligi bosh direktori o‘rinbosarining 2000-yil 8-fevraldagi “Telekommunikatsiya tarmog‘i operatorlari o‘rtasida taqdim qilinadigan set zaxiralari va trafika o‘tkazmalari uchun hisob-kitob narxlarini (taks) belgilash metodikasi boshqaruv hujjatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 909, 2000-yil 10-mart) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining normativ hujjatlari axborotnomasi, 2000-yil, 5-son).

43. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish

agentligi bosh direktorining 2005-yil 1-fevraldagi 24-p-son “Sertifikatlashtirilgan mahsulotlar va xizmatlarni inspeksiya nazoratidan o‘tkazish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1464, 2005-yil 6-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2005-y., 14-son, 106-modda).

44. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2015-yil 3-martdagi 87-son “Sertifikatlashtirilgan mahsulotlar va xizmatlarni inspeksiya nazoratidan o‘tkazish qoidalarining 1-bandiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1464-1, 2015-yil 27-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 12-son, 148-modda).

45. O‘zbekiston Respublikasi tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi raisining 2006-yil 22-martdagi 27-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida ov va baliq ovlash qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1569, 2006-yil 2-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2006-y., 18-son, 158-modda).

46. “Sanoatkontexnazorat” Davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2006-yil 14-fevraldagi 31-son “Mis eritish ishlab chiqarishi xodimlari uchun ishlarning xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1578, 2006-yil 31-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2006-y., 22-son, 200-modda).

47. O‘zbekiston Respublikasi avtomobil va daryo transporti agentligi boshlig‘ining 2004-yil 3-iyundagi 83-son “Tashuvchilarning yuk avtomobillari uchun yo‘l varaqalari, tovar-transport yukxatlarini tayyorlash, hisobga olish, to‘ldirish va qayta ishlash bo‘yicha yo‘riqnomani tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1382, 2004-yil 2-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2004-y., 26-son, 312-modda).

48. O‘zbekiston Respublikasi transport vazirining 2019-yil 7-martdagi 3-son “Tashuvchilarning yuk avtomobillari uchun yo‘l varaqalari, tovar-transport yukxatlarini tayyorlash, hisobga olish, to‘ldirish va qayta ishlash bo‘yicha yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1382-1, 2019-yil 25-mart) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 25.03.2019-y., 10/19/1382-1/2811-son).

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**
**МАЪЛУМОТИ**

## *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Oʻzbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligining 2024-yil 29-maydagi 6-mh-son va Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 28-maydagi 127-son “Umumiy oʻrta ta’lim muassasalarining uzaytirilgan kun guruhlarida bolalar ta’minoti uchun ota-onalar toʻlovini undirish va undan foydalanish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

***2024-yil 10-iyunda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 2820-2.***

2. Oʻzbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktorining 2024-yil 3-iyundagi 18-son “Oʻzstandart” agentligida standartlashtirish boʻyicha normativ hujjatlar toifalarini tayyorlash va roʻyxatdan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga oʻzgartirish va qoʻshimchalarni oʻz kuchini yoʻqotgan deb topish toʻgʻrisida”gi qarori.

***2024-yil 11-iyunda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 1422-4.***

3. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining 2024-yil 22-maydagi 6-mb-son, Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 17-maydagi 122-son hamda Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligining 2024-yil 22-maydagi 01-23-4846-son “Davlat va bojxona tashqi savdo statistikasi ma’lumotlarini yigʻish va qayta ishlash uslubiyati toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaror, shuningdek unga oʻzgartirishlarni oʻz kuchini yoʻqotgan deb topish toʻgʻrisida”gi qarori.

***2024-yil 19-iyunda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 1717-3.***

4. Oʻzbekiston Respublikasi sogʻliqni saqlash vazirining 2024-yil 5-iyundagi 17-son “Shoshilinch tibbiy yordam koʻrsatish uchun transport vositasining salonida boʻlishi shart boʻlgan zarur tibbiy ashyolar roʻyxatini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi buyruqqa oʻzgartirishlar kiritish haqida”gi buyrugʻi.

***2024-yil 19-iyunda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 2241-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 28 майдаги 17/11-сон “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

***2024 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3518.***

6. Oʻzbekiston Respublikasi qishloq xoʻjaligi vazirining 2024-yil 29-maydagi

13-son “Urug‘lik chigit tayyorlovchi korxonalarda urug‘lik paxtani qayta ishlashda uskunalarni belgilangan me’yorlar asosida sozlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

***2024-yil 19-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3519.***

7. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 19-iyundagi 11-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

***2024-yil 19-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3520.***

8. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 17-maydagi 121-son “Uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to‘lash bo‘yicha kompensatsiya pul to‘lovlarining mexanizmi to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

***2024-yil 19-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2175-8.***

9. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 19-iyundagi 12-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

***2024-yil 20-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3521.***

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2004-yil 8-noyabrdagi 362-son “O‘zstandart” agentligida standartlashtirish bo‘yicha normativ hujjatlar toifalarini tayyorlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1422, 2004-yil 11-noyabr), shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalar (ro‘yxat raqami 1422-1, 2013-yil 24-iyun), (ro‘yxat raqami 1422-2, 2015-yil 24-aprel), (ro‘yxat raqami 1422-3, 2018-yil 19-aprel).

***2024-yil 11-iyunda davlat reyestridan chiqarildi.***

2. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi, Davlat bojxona qo‘mitasi, Iqtisodiyot vazirligi va Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiyalar va savdo vazirligining 2007-yil 27-avgustdagi 11, 01-02/15-23, 31 va EG-01/10-4715-son “Davlat va bojxona tashqi savdo statistikasi ma’lumotlarini yig‘ish va qayta ishlash uslubiyati to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1717, 2007-yil 20-sentabr), shuningdek unga o‘zgartirishlar (ro‘yxat raqami 1717-1, 2013-yil 20-sentabr), (ro‘yxat raqami 1717-2, 2019-yil 15-aprel).

***2024-yil 19-iyunda davlat reyestridan chiqarildi.***

3. O‘zbekiston Respublikasi qishloq va suv xo‘jaligi vazirining 2007-yil 20-fevraldagi 40-son “Bog‘ va uzumzorlardan maqsadsiz foydalanilgan holatlarda yer ijara shartnomasini bekor qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1663, 2007-yil 14-mart).

***2024-yil 19-iyunda davlat reyestridan chiqarildi.***

4. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Iqtisodiyot vazirligi, Qishloq va

suv xo‘jaligi vazirligi, Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiyalar va savdo vazirligi, “O‘zpaxtasanoat” uyushmasining 2007-yil 31-avgustdagi 81, 32, 163, EG-01/22-4209, 01/1829-son “Paxta xom ashyosining xarid narxini va paxta tolasining ulgurji narxini shakllantirish tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1711, 2007-yil 3-sentabr).

***2024-yil 19-iyunda davlat reyestridan chiqarildi.***

5. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2008-yil 14-avgustdagi 17/3-son “O‘zbekiston Respublikasi markaziy banki depozit sertifikatlari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1858, 2008-yil 23-sentabr), shuningdek unga o‘zgartirishlar (ro‘yxat raqami 1858-1, 2016-yil 12-yanvar).

***2024-yil 19-iyunda davlat reyestridan chiqarildi.***

6. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2009-yil 11-dekabrdagi 534-son “Texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi ekspert kengashlari to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2060, 2010-yil 7-yanvar).

***2024-yil 19-iyunda davlat reyestridan chiqarildi.***

7. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 1-iyuldagi 38-B-son “O‘zgalar parvarishiga muhtoj yolg‘iz fuqarolarga uyda ijtimoiy yordam ko‘rsatish haqidagi nizomni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2243, 2011-yil 11-iyul) shuningdek unga o‘zgartirish (ro‘yxat raqami 2243-1, 2015-yil 16-mart).

***2024-yil 19-iyunda davlat reyestridan chiqarildi.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**